



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1971

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Қутадғу билик

Юсуф Хос Ҳожибнинг бундан 900 йил муқаддам яратган «Қутадғу билиг» асари жаҳон адабиёти хазинасига қўшилган буюк ҳиссадир. Асарнинг тематик доираси кенг ва ранго-рангдир. Асарда кўпгина ҳаётий масалалар оқил ва до-нишманд файласуф кўзи билан талқин этилади. Биз асарнинг 170 дан ортиқ тўртликларини, бэ-ҳор тавсифига оид қисмини, уларнинг бадий таржимасини китобхон эътиборига ҳавола қила-миз.

Нашрга тайёрловчи ва таржимон

ҚАЮМ КАРИМОВ

Юсуф Хос Ҳожиб.

Қутадғу билиг. (Тўртликлар). Нашрга тайёрловчи Қ. Ка-римов. Т., Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971

160 бет. Тиражи 25000

Юсуф Хос Ҳожиб. Знания, приносящие счастье.

Индекс 7-4-3

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»* ҲАҚИДА

«Қутадғу билиг» асари ҳозирча бизгача етиб келган туркий бадий адабиёт намуналарининг энг кўҳнаси ҳисобланади. Бу асар XI асрда яра-тилган бўлиб, майдонга келишининг сабаби бор.

Асар яратилган давр ва унинг ёзилиш сабаби.

XI аср Қорахонийлар салтанатининг энг юксак поғонага кўтарилган бир даври эди. Бу давлат Юқори Чиндан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонни ўз тасарруфига олган эди. Кенг ва буюк давлатнинг пойтахти Кошғар (Ордуқент) бўлиб, унинг шимолида муҳим марказлардан Баласоғун (Қузўрда), ғарбида Самарқанд шаҳар-

* Араб алифбесида «к» ҳарф билан «г» ҳарфи бир хилда ёзилади. Шу сабабдан, китобнинг муқова-сида ҳамда титулида «Қутадғу билик» шаклида ёзилиб қолган.

лари, бу йирик шаҳарлар ўртасида Ўзкент каби савдо ва сиёсий жиҳатдан марказ бўлган кўп аҳолили катта шаҳарлари бор эди. Қорахонийлар даврида илм-маърифат, маданият ривожланади, қатор илмий, фалсафий асарлар яратилади. Бу асарлар асосан араб ва форс тилида эди. Бу бепоён мамлакатни идора қилиш осон эмасди. Марказлашган, ягона бир қўл остига бирлашган феодал давлатини барпо этиш, мустаҳкамлаш, идора қилиш, турли хон ва беклар орасидаги низоларга барҳам бериш ўша давр ҳукмдорларининг орзуси эди. Ана шундай давлатни идора қилиш услуби, сиёсати, қонун-қоидалари, расму одатларини, ахлоқ принципларини ўзида мужассамлаштирган низомнома, қомус сифатида «Қутадғу билиг» майдонга келди. Асардаги тўрт қаҳрамон идеал орзу тимсоли сифатида гавдаланади: Кунтуғди (чиккан кун)—адолат, Ойтўлди (тўлган ой)—бахт ва давлат. Угдулмиш (ақлга тўлган)—ақл, Ўзғурмиш (уйғонган)—қаноат тимсоли. Булар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралар жараёнида авом халқдан тортиб Қорахонийлар салтанатининг энг олий ҳокими — эллигача бўлган ораліқдаги барча та-

бақа ва тоифаларнинг ахлоқ одоб, хатти-ҳаракат, муносабат, чегаралари ҳақида баҳс боради.

Муаллиф, асарнинг ёзилган йили, муддати ва ери ҳақида. Муаллифнинг исми Юсуф. Бу ҳақда ҳеч бир манбада хабар йўқ. Юсуфнинг Юсуфлигини ва бошқа маълумотларни шу асарнинг ўзидангина оламиз: «Китаб изиси Юсуф улуғ Ҳажиб ўзинга панд берур. Юсуф Хас Ҳажиб теб ати чави язилмиш». Асар мазмунидан маълум бўлишича, Юсуф Баласоғунда туғилган, кенг ва чуқур маълумотли бўлган, ўз даврининг бутун илмларидан бохабар бўлган.

Юсуф ўз асарини ёзган пайтида ёши элликдан ўтиб, олтмишга яқинлашаётгани ҳам асардан англашилади:

Тегурди манга элги эллик яшим,
(Эллик ёшим менга қўлини тегизди);
Ўқир алтмиш эмди манга кел тею,
(Энди олтмиш мени кел, дея чорлаётир.)

Ҳажм анча катта, бадий пухта бўлган «Қутадғу билиг» олти минг беш юз байт ёки ўн уч минг мисрага яқин шеърдан иборат. Муаллиф асарни ёзган йили ва муддати ҳақида шундай дейди:

Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.
Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз,
Удурдум адирдим сўз эвдиб тера.

2

Кўринадики, муаллиф ўз асарини хижрийнинг 462-си (1069—1070 милод)да ёзиб тугаллаган. Муаллиф агар ўз асарини ўн саккиз айда ёзиб тугатган бўлса, уни хижрий 461 йилнинг биринчи ярмида бошлаб, 462 йилнинг ўртасида ёки 461 нинг ўртасида бошлаб, 462 нинг охирида тугатган бўлиши мумкин. Бинобарин, асарини тугатган даврда муаллифнинг эллик ёшларда бўлганлиги, унинг хижрий 410 (1019 милодий) йиллар атрофида туғилганлиги маълум бўлади.

Муаллиф ўз асарига «Қутадғу билиг» деб ном қўйган. «Қутадғу билиг»—бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим демакдир. Бу ҳақда Юсуф шундай дейди:

Китаб ати урдум «Қутадғу билиг»,
Қутадсу, ўқуғлиқа тусту элиг.
(Китоб отини «Қутадғу билиг» қўйдим,
Ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин).

8

Муаллиф китобни Кошғарда битиб тугаллагач, уни Тавғочхон даргоҳига олиб боради. Китобхонга манзур тушганлигидан Юсуфга «Хос Ҳожиблик» лавозимини беради. Китобда зикр этилган Тавғоч Улуғ Буғра Қорахон (хоқон), Або Али Ҳасан бинни Сулаймон Арслон-Қорахон (хоқон) исмлари Қорахонийлар сулоласи шажарасида йўқ. Аммо В. В. Бартольд ўзининг «Қутадғу билиг»да тилга олинган Буғра хон кимдир?» номли мақоласида Ёркентда топилган арабча маҳкама восиқаларида (1081—1135 йилларга оид) шу исмли шахслар ўша даврда яшаганлигини исботлайди.

Асарнинг топилиши ва ўрганилиши. «Қутадғу билиг» Юсуфдан ёдгорлик, унинг ўз номини мангулаштириш учун қўйган ҳайкал. Не-не шаҳарлар, бинолар, дарёлар, кўллар, хуллас, беҳисоб нарсалар пайдо бўлди ва йўқолди. Замона зайли, давр парвози, адоват яғмоси, жаҳолат балоси, зулмат савдоси, башарият зеҳни, заковати ва қўли билан яратилган не-не меросларнинг бошига суз қуймади. Юсуфнинг ёдгорлиги-чи, у сақланди, асрларни кечирди.

Мана шундай қимматли асар мавжудлиги ҳа-

9

қидаги дастлабки хабар XIX асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлди. Бу асарнинг ҳижрий 843 (1439) йилда Ҳиротда уйғур ёзуви билан Ҳасан Қара Сайл Шамс томонидан кўчирилган нусхаси Туркиянинг Тугот шаҳрига, бу ердан эса ҳижрий 879 (1474) йилда Абдураззоқ Шайхзода бахши учун Фанари ўғли Кади Али томонидан Истанбулга келтирилган. Уни машҳур тарихчи ва шарқшунос олим Хаммер Истанбулда сотиб олиб, Вена Сарой кутубхонасига келтиради. 1896 йиллар атрофида бу асарнинг араб ёзуви билан кўчирилган иккинчи қўлёзма нусхаси Қоҳира кутубхонасида топилди. Араб ёзуви билан кўчирилган учинчи нусхаси эса 1913 йилда Наманганда Муҳаммад Ҳожи эшон Лолареш исмли кишининг шахсий кутубхонасидан топилди.

Ҳозир шарқшунослик олами бу нодир дурдонанинг уч қўлёзма нусхасига эга. Булардан бири Вена, иккинчиси Қоҳира кутубхоналарида, учинчиси, энг мукаммали, Тошкентда, Абу Райҳон Бериуний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (инв. № 1809) сақланади.

Асарнинг тузилиши, жанри ва вазни. Асарда даставвал унвон (бош қисми), сўнг қисқа насрий

муқаддима келади. Бунда тангрига ҳамд, ялавач (пайғамбар)га ва асҳоби наби (чаҳорёрлар)га наът айтилади, сўнг китобнинг қиммати, номи, хонга тортиқ қилиниши, муаллифнинг тақдирланиши, тўрт рамзий қаҳрамонга туркча ном берилиши, китобда шу тўрт қаҳрамон ўртасида мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтиши борасида баён берилади.

Насрий муқаддимадан сўнг етмиш етти байтдан иборат назмий муқаддима бор. Ундан кейин етмиш уч боб (фасл) номининг фикрасти (мундарижаси) берилади. Сўнг яна унвон билан мавзуга ўтилади. Етмиш уч фаслнинг дастлабки ўн бири дебоча бўлиб, ҳамд, наът, Қорахонга мадҳдан, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тил фойдаси, муаллиф узри, эзгулик, билим ҳамда заковат манфаати, китобга ном берилиши ва қарилликка ўкиниш баёнидан иборат. Ун иккинчи фаслдан бошлаб бевосита воқеалар баёнига ўтилади.

Фихрастда берилган фасл номлари матнда (текстда) ҳам сарлавҳа тарзида берилади. Асар кичик бир сюжет билан бошланади: ҳукмдор Кунтуғдиннинг илмга, маърифатга муҳаббати, олим ва фозил одамларни тўплаб, уларга ҳомийлик

қилаётганини эшитган Ойтўлди унинг ҳузурига етиб келади ва саройда қабул қилинади. Ойтўлдининг ҳаёти шу билан тугалланади ва унинг ўрнига ўғли Угдулмиш майдонга чиқади. Асарнинг давомида маълум бир сюжет йўқ. Лекин тўрт қаҳрамон мунозараси асносида турли ҳаётий зарур масалалар бир-бирига боғлаб баён қилинади ҳамда ягона бир мақсадга бўйсундирилади. Ҳар бир бобда маълум бир масала баён қилиниб, баён тугагач, якунловчи бир байт келтирилади, сўнг шоир сўзини эшит, доно нима дейди, билимли бундай дейди, бунга ўхшаш мана бу сўзни ўқи, масалда бундай келади, фалон қабила беги бундай деган, сартлар боши айтади ва бошқалар каби хитоблар билан бир рубоий келтирилади ва фикр шу билан хулосаланади. Мақолларга муножаат қилиш санъатидан, яъни шарқ классик поэзиясига хос бўлган «ирсолул-масал» санъатидан Юсуф моҳирона фойдаланади.

«Қутадғу билиг» (бир юз саксонга яқин рубоий ва 71, 72, 73-боблар бундан мустасно) шарқ эпик тури учун энг қулай жанр-маснавий тарзида ёзилган, зикр этилган уч боб эса қасидадан иборатдир.

«Қутадғу билиг»нинг вазни ҳақидаги баҳс ҳам узоққа чўзилди. Бир кўп тадқиқотчилар уни ўн бирлик ҳижода битилган дедилар, яна бир кўплар арузда дедилар, лекин туркийга арузни татбиқ қилиш қийинлигидан кўп ўринларда байтлар нуқсли чиққан, дедилар. Лекин арузни туркий тилларда яратилган асарларга татбиқ қилишнинг ўз тақъи (фонетик қоидалари) мавжудки, Юсуф худди шунга амал қилган ва уни ўз асарига моҳирлик билан сингдирган. Чунки Юсуфдек забардаст адибнинг «Қутадғу билиг» каби катта асарни аруз вазнида ёзиб, айрим камчиликларга йўл қўйиши мумкин эмас эди. Бунинг устига, классик адабиёт вакиллари учун аруз ва унинг қоидаларини пухта билмаслик номус, катта нуқсон саналган.

«Қутадғу билиг» ҳижода эмас, арузда ёзилган. Юсуф арузда камчилик ва нуқсонга йўл қўйган эмас, аксинча, катта муваффақият намунасини намойиш қилган.

«Қутадғу билиг» арузнинг эпик тур учун қабул қилинган энг оҳангдори ва шарқ назми арузида «жанговар ўлчов» номини касб этган мутақориб баҳрида ёзилган.

«Қутадғу билиг» аруз вазнида ёзилган дегувчиларнинг деярли барчаси асарнинг бевосита «Шоҳнома» таъсирида ёзилганлиги, унда «Шоҳнома» вазни айнан акс этганлиги, «Қутадғу билиг»дан «Шоҳнома»нинг иси келиши каби гаплар билан чекланиб, бунинг сабабини фақат «Шоҳнома»дан излайдилар. Тўғри, Юсуф «Шоҳнома»ни яхши билган, у ўз асарида Афросиёб, Фаридун, Заҳҳок каби Фирдавсийнинг қаҳрамонларини тилга олади, улар ҳақида гапиради. Лекин «Қутадғу билиг» мустақил ва салмоқли бир туркий адибнинг ижоди эканлигини унутмаслик керак. Юсуфда аруз бобида забардастлик бўлмаганда, ёлғиз таъсир кучи билан шоҳ асар ярата олиши шубҳали эмасми?

«Қутадғу билиг» арузнинг мутақориб мусаммани солим (саккизлик солим мутақориб) ва ундан фаръий (ҳосила) бўлган мутақориб мусаммани маҳзуф (туширилган саккизлик мутақориб) ҳам мутақориб мусаммани мақсур (қисқартирилган саккизлик мутақориб) баҳрида ёзилган.

«Қутадғу билиг» қандай асар! Аввало, у адабий асар, бадий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея ҳам эмас, том маънодаги лирик

асар ҳам, драма ҳам эмас. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини мужассамлаштирган қомусдир. Тўғри, унда лиризм намуналари бор; Буграҳон мадҳи, баҳор таърифи, ўз узрини айтиш, қариликка ачиниш ва бошқалар; унда драма элементлари ҳам бор; Ойтўлдиннинг Элиг ҳузурига келиши, унинг ўлиши ва ўғли Угдулмиш билан видолашиш эпизоди, Угдулмишнинг Ўзғурмиш ҳузурига бориш ва қайтиш эпизодлари. Лекин у том маъноси билан дидактик асар, таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ дарслигидир.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук файласуфи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол киши. Албатта унинг дунёқараши, фаннинг турли соҳаларидаги тушунчаси, ҳаётни билиши ўша давр ва ижтимоий тузум шарт-шароитлари билан чегараланган. Юсуф ўз замонасидан шикоят қилади, адолат, инсоф йўқолганидан зорланади, у идеал инсонга, идеал жамиятга интилади, уни тарғиб қилади, аммо

унинг идеали намунаси ўтмиш ҳаёт, кечмиш замонлардир. Юсуф ана шу ўтмишни идеаллаштиради:

Қали биз киши эрсамиз, эй бўғу, 4
Улариг сээигсиз фаришта тэғу.

Идеал шахс, жамият, давлат қандай шаклланиши керак, идеал шахс фазилатлари қандай бўлиши лозим ва бу фазилатга қандай қилиб эришиб бўлади, мансаб соҳибларининг хусусий, шахсий ҳаёти ва жамият ҳамда давлат манфаатларига муносабати қай тартибда бўлиши шарт, Юсуф ана шу муҳим масалаларнинг фалсафий системасини яратади.

Унинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси келишувчиликдир. У амалдорларни ўзидан бир табақа паст бўлганларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ҳамда бир табақа пастларни ўзидан бир табақа юқори турганларга муте, садоқатли бўлишга ва шу тўғрисида орзу қилинган ширин ҳаётга эришишга даъват қилади. Ижтимоий тенгсизликни бу йўл билан бартараф қилиб бўлмасликни тушунмаслик унинг ҳаёт фалсафасидаги

камчилиги эди. Лекин оч-яланғоч, бева-бечоралар ҳаётини кўриб, уларга ачиниб, амалдорларни уларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ундайди:

Ҳалал дуня қазған, ўзунгни етур,
Тегур ач-ялингқа ҳам ўпрақ бутур..

Мазмуни:

Ҳалол дунё топгин, ўзингни едир,
Яланғоч ва очга бер, жулдуриңи битир.

Урта Осиёда ислом дини мустаҳкамланган бир даврда ёзилган бу асарда теизм руҳи равшан кўриниб туради, Юсуф худони эътироф қилиш ва дин, шариат йўлини бир дам ҳам унутмасликни тарғиб қилади. Лекин дунёвий, ҳаётий масалаларда, ҳаёт учун кураш масалаларида динга муте бўлиб қолмасликка, дунёвий тадбирларни диний эътиқодга қўрбон қилиб юбормасликка чақиради, диннинг ўзи ҳам дунёдан воз кечишни тақозо қилмайди, деган таълимни изчиллик билан илгари суради:

Ажун бундни барча улуш, кенд қодуб,
Туруб тағқа кирса ағир юк юдуб

Бузулғай ажун, барча қалғай қуруғ,
Аба оғлани ўзда кесгай уруғ.

Мазмуни:

Олам халқи қишлоқ, шаҳарни қўйиб,
Туриб тоққа чиқса, оғир юк чекиб,

Бузулғай олам, барча қолғай қуруғ,
Одам боласидан кесилгай уруғ.

Юсуф дунё ишларининг барчасидан оғоҳ бўлишга, бунинг учун билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Билим ва заковат тенги йўқ улуғ нарса эканини, киши шулар туфайли ғафлатдан уйғонишини, барча орзу-тилақларига, улуғликка эришишини, рўшнолик топиб, дунё ишларидан хабардор бўлишини уқтиради, билимсиз киши мисоли бир хаста дейди ва уни ўз дардини даволашга, яъни билим ва заковат ўрганишга ундайди:

Уқуш ул юлатег қарангқу тунни,
Билиг ул яруқлуғ, ярутти сани.
Уқушқа турур бу ғирлик, этик,
Уқушсиз киши бир авучча өник.

Билигни бедуг бил, уқушни улуғ,
Бу экки бедутур удурмиш кулуғ.

Мазумни:

Уқувдир чироғдек қаронғи тунни,
Билимдир ёруғлик, ёритгай сени.

Уқув қадру қиммат учундир қафил,
Уқувсиз киши бир ҳовучча енгил.

Билимни буюк бил, уқувни чуқур,
Бу иккиси бирла ғофил уйғонур.

Билим, заковат соҳиби бўлишнинг асосий қалити тилдир. Тил туфайли киши ўз илми, ақл-идроки, заковатига жило беради, фикрини равшан қилади. Тил, сўз кишининг қадр-қимматини оширади, улуғликка элтади. Аммо сўзни ўйлаб, билиб, кези келгандагина сўзлаш керак. Шундагича тил ва сўзнинг нафи жуда катта бўлади. Уйланмай сўзланса, сўз киши қадрини туширади, уни эл этиборидан қолдиради. Шунинг учун оз, лекин соз сўзлаш даркор:

Уқушқа, билигқа бу тилмачи тил,
Яругтачи эрни йўриқ тилни бил.

Кишиг тил ағирлар, булур қут киши,
Кишиг тил ужузлар, ярир эр баши.

Мазмуни:

Заковат, билимга калитдир бу тил,
Ёритгувчи эрни равон тилни бил.

Кишин тил улуғлар, топар қут киши,
Кишин тил тубанлар, ёрилар боши.

Лекин билимли, заковатли бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Аввало, киши эзгу бўлиши, барчага нисбатан яхши бўлиши керак. Шундагина уни халқ севади, қадрлайди. Эзгу хулқли киши халққа бош бўлса, барча халқ ҳам эзгу бўлади:

Элиг айди эзгу талу нанг турур,
Талу нангни тутши талулар қулур.

Мазмуни:

Элиг айтди; эзгу етук нарсадур,
Етук ишни доим етуклар қилур.

Юсуфнинг дунёқарашида, фалсафасида Форобий ва Ибн Синолар дунёқараши, фалсафаларининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Дунёни тушуниш ва тушунтиришда Юсуф уларнинг таълимотларига эргашади. Моддий дунёнинг яралишини руҳий кучга боғлагани ҳолда, унинг объектив қонуниятларини эътироф қилади. Унинг бундай дунёқараши бутун асар давомида кўзга ташланади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, хунарманд ва косиблар, камбағал қашшоқлар ҳақида гапириб, уларнинг ҳаёти, мафкуралари, одатлари, ахлоқлари ҳақида назик фикрлар юритади.

Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб ҳаётнинг оддий икир-чикирларидан тортиб юлдуз сирларигача, қоҳинларча даволаш усулининг сохталигидан тортиб, кўркум, ўкит, чурни, шалисо, тарёқ ва ҳатто Митриду¹ хапи каби дорилар, уларни қайси касалларга бериш нафли бўлишигача, қон босими ошиши-ю қон олишгача, оддий бир киши билан гаплашишдан тортиб давлатни идора қилиш усу-

¹ М и т р и д у с — Митридат.

лининг нозик сирларигача, туркий халқларнинг Алп Эртўнгаси ажамликларда Афросиёб номи билан аталишигача, Фирдавсийнинг Фаридун, Заҳҳок каби қаҳрамонларидан тортиб Чин ва Мочин олимларининг ашъору амсолларигача, Ҳинд рожаларидан тортиб, Рум қайсарларигача-ю, занги хабашларгача билган, хуллас, ҳамма-ҳамма соҳалардан хабардор, билим доираси кенг, асариде тилга олинган барча хислат, фазилат, заковат, равиш, йўриқ ва ҳоказоларнинг барчасини ўзиде мужассамлаштирган улў сиймодирки, у ёзиб қолдирган улкан асарнинг тўлиқ тексти билан яқиндан танишгандагина, Юсуф қандай киши бўлганини тўла тасаввур этиш мумкин бўлади.

1969 йилда баласоғунлик Юсуф томонидан яратилган шоҳ асар «Қутадғу билиг»нинг ёзилганига 900 йил тўлади.

Ушбу ишнинг юзага келишида лутфан ёрдам берган жонкуяр адабиётшунос олим филология фанлари доктори Азизхон Қаюмовга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

ҚАЮМ КАРИМОВ,

филология фанлари кандидати

1967 йил, март.

ТўРТЛИКЛАР

• • •

- 1* Керак эрка ҳиммат, мурувват янги,
Яфуз, юнчуғ андин йираса ўнги.
Кишиликка ҳиммат, мурувват керак.
Киши қадри ҳиммат, мурувват тенги.

• • •

- 2 Удуглуқ, бу сақлиқни ўғди эран,
Усааллиқ била ўлди эр минг туман.
Усаал бўлма, сақлан қамуғ ишда сан,
Усаюқ арутти экагуда сан.

* Бу тартиб рақамлари такрорланади, бунга сабаб шуки, рақам биринчи марта келганда оригиналга, такрорланганда эса, таржимага қўйилган. *Р. Комилов*).

• • •

- 1 Жами эрга ҳиммат, мурувват зарур,
Евузни йўқ этмакка қувват зарур,
Кишиликка ҳиммат, мурувват керак,
Қадрлига ҳиммат, мурувват зарур.

• • •

- 2 Тетиклик ва соқлик — бу мақтов иши,
Гофиликдан ўлди туман минг киши,
Гофил бўлма, соқ бўл жами ишда сан,
Гофил икки оламда сарсон боши.

* * *

- 3 Уқуш қадрини ҳам ўқушлуғ билар,
Билиғ сатса билга билиғлиғ аилр.
Неку билга телва биланг қадрини,
Биланг қайда бўлса биланганг билар.

* * *

- 4 Кўнгул кимни севса муи эрдам бўлар,
Қамуғ тетруси ўнг, қуқузи тўлар.
Кўнгул кимни севса қамуғи севуг,
Кўрур кўзка урса кўрунмаз бўлар.

* * *

- 5 Эва кирма ишка, сабр қил, сарин,
Эва қилмиш ишлар ўқунчи ярин.
Қамуғ ишта эвма, сарин ўз тутун,
Саринса булар қул бу беглик қўрин.

* * *

- 3 Уқув қадрини ҳам уқувли билар,
Билим сотса доно — билимли олар,
Нечук телба билгай билим қадрини,
Билим қайда бўлса билимли билар.

* * *

- 4 Севяклининг айби раво кўринур,
Жами терс иши ўнг, сазо кўринур,
Кўнгул кимни севса — вужуди севик,
Кўрар кўзга урса, даво кўринур.

* * *

- 5 Шошиб қилма ишни, сукут қил сабр,
Шоша қилган ишлар охири жабр,
Жами ишда шошма, босиб тут ўзинг,
Сабрли қулини қилар бег давр.

* * *

- 6 Тегимсиз тапуғ бирла тўрка тегир,
Ярагсиз яранса, кўр, илка тегир.
Тапунғу қийиқсиз тапуғ қилғучи,
Тапуғ сингса, ўтру тилакка тегир.

* * *

- 7 Бу қут қайда бўлса бўйин бер, яраш,
Қали ўрнасанг қутқа қадгун кураш.
Бу қут келса, янгуқ қутадуру куни,
Туман арзу бирла талулаб тираш.

* * *

- 8 Тўрумиш нанг эрса йўқалғу турур,
Тўрутугли халиқ на қулса қилур,
Тиригдик тедукунг бу елтег кечар,
Қачар, етса бўлмас, ани ким булур.

* * *

- 6 Киши хизмат этса топар тўрда жой,
Яроқсиз яраса — бу қандай чирой,
Оғишмай сазовор юмуш қилғучи,
Иши бирла етгай тилакка кирой.

* * *

- 7 Бу бахт қайда бўлса, бўйин бер, яраш,
Эришсанг-чи бахтга, ғам ила кураш,
Киши бахтга етгач, туғади куни,
Туман орзуларга узат қўл, туташ.

* * *

- 8 Яралган жами нарсалар йўқ бўлар,
Яратган холиқ истаганча қилар,
Тириклик деганинг шамолдек ўтар,
Қочар, етса бўлмас, уни ким тутар.

* * *

- 9 Кейик сани давлат кишика тезик,
Қали келса бекла, туша ҳам тизик.
Тута билса давлат тўзумас, турур,
Қали тўзса тегмас, яна тарк кезик.

* * *

- 10 Келур қут кишика, ати жавланур,
Янги айтег артар, яруқи бўлур.
Яйниғ, телва давлат, кўнгул бамағил,
Тўлунтег бу давлат яна эйрилур.

* * *

- 11 Бушар ўдта бегларка барма яғуқ,
Қали бардинг эрса ужузлуқ ануқ
Кўр, арслонга ўхшар бу беглар ўзи,
Бушурса кесар баш, билиги яруқ.

* * *

- 9 Кишига бу давлат кийикдек қочоқ,
Агар келса маҳкам тутиб, сол тушоқ,
Тута билса давлат тўзимас, турар,
Агар тўзса, қайта йиғилмас, бироқ.

* * *

- 10 Келар давлат эрга, у шуҳрат тошар,
Янги ойдек ортар, ёруғи тўлар,
Бу давлат бақосиз, кўнгила боғлама,
Тўлин ой каби у яна олқинар.

* * *

- 11 Ғазаб пайти бегга яқин бормагин,
Бориб ўз жонингга жабр қилмагин,
Кўр, арсланқа ўхшар бу беглар ўзи,
Ғазаби кесар бош, ғофил бўлмагин.

* * *

- 12 Кўнилик уза бўлди беглик ули,
Бу беглик кўги ул кўнилик йўли.
Тўру қилса элка, кўни бўлса бег,
Тилак, арзу булғай бу қулса қали.

* * *

- 13 Юриғли бу янгуқ эди кад ўгуш,
Кўни, чин, бутун эр менга кад кўшуш.
Қиз эрмас киши, кўр, кишилик қиз ул,
Кўни, чин кишиларни ўғди уқуш.

* * *

- 14 Ағиштег бу эдгу, ағулмаз киши,
Тегиб тегма янгуқ қилумаз иши.
Ағиртег қамуғи ағир қилғуқа,
Қилумаз бу ишни билагсиз киши.

* * *

- 12 Ада беглик учун зарур моядур,
Бу беглик асоси адолат турур,
Одил иш юритса элида беги,
Тилак-орзуларга у шаксиз етур.

* * *

- 13 Кезиб юргувчи халқ талай, шубҳасиз,
Одил соф, етук эр менинг-чун азиз,
Одамдан азизроқ — одамгарчилик,
Одил, соф кишилар ҳаёти лазиз.

* * *

- 14 Улуғ ишдир эғу, етолмас киши,
Тикиб жон уни эплай олмас киши,
Тугал эғуликни етук эр қилар,
Қилолмас бу ишни билимсиз киши.

* * *

- 15 Ким эдгу берар бўлса эсиз, булуб,
Тиларман, эй эдгу, сени ман қулуб.
Эй эдгу, сангар ким тўдар, ай манга,
Бару кел, ачайин сангар ман улуб.

* * *

- 16 Қаю эдгу ўкнур, кўр, эдгу учун,
Атиқмиш эсиз ўкнур ахир кучун.
Эсиз қилса, эсиз янути ўкунч,
Уса, эдгулук қил эсизка ўчун.

* * *

- 17 Қара баш яғиси қизил тил турур,
Неча баш еди бу, тақи ма еюр.
Башингни тиласанг тилингни кўдаз,
Тилинг тегма кунда башингни еюр.

* * *

- 15 Вафо қилса кимки, топар у жафо,
Тиларман сўроглаб сени мен вафо,
Вафо, менга айт-чи, сенга ким тўяр,
Бери кел, сир айтай, қилиб жон фидо.

* * *

- 16 Киши өзгуси чекмагай ҳеч фиғон,
Номи бад, ёмонлар койитади жон,
Ёмонлик қилувчи улуши ўкинч,
Фақат яхшилик қил, ёмонлик ёмон.

* * *

- 17 Қора бош ёви бу қизил тил турур,
Неча бош еди у, яна ҳам еюр.
Бошини соғлиги-чув тийиб юр тилинг,
Тилинг истаган кув бошинга стур

* * *

- 18 Инигли агар ул, ағиғли инар,
Яруғли тунар ул, юриғли тинар,
Наким ишлар әрса тугали кўдаз,
Тугагли тугаса нишида инар.

* * *

- 19 Қара соч ўрунги ўлумдин юмуш,
Қилур ул тиригка тириглик кўшуш.
Бу неъмат едукунг тириглик единг,
Улум ер сани, сан ўсанма ўгуш.

* * *

- 20 Неку бар ажунда ўлумдин қатиг,
Улуми сақинса кетар минг татиг.
Улум бир тенгиз ул учи йўқ, туби,
Бақа кўрса етру, туби йўқ батиг.

* * *

- 18 Тубан юксалар, юксак әрса тушар,
Еруғ кун тунар ҳам юрүвчи гинар,
Нима иш қилинса, жамин әсда тут,
Ўтиб даври барча тугар, олқинар.

* * *

- 19 Қора соч оқарса — ўлимдан хабар,
Тирикка қилар у ҳаётни шакар,
Сенинг ризқ ейишинг — умрни ейиш,
Улим ер сени ҳам, тириклик тугар.

* * *

- 20 Нима бор жаҳонда ўлимдан ўтар,
Улим әсга тушса ҳаловат кетар,
Таги ва туби йўқ денгиздир ўлим,
Билиб қўй, чуқур у, тубига ютар.

* * *

- 21 Неку бар ажунда ангар ҳийласиз,
Неку ҳийла барким ангар чарасиз.
Қамуғ нангка ҳийла, этиг, чара бар,
Магар бу ўлумка, ўлум ҳийласиз.

* * *

- 22 Қамуғ нангка вақт ул, кунн белгулуғ,
Нафас, тивн тўқурқа сани белгулуғ.
Ғил, ай, кун кечартег тириглик кечар
Кечар кув кечиргай сени белгулуғ.

* * *

- 23 Азиз ул, азиз ул, азизларқа из.
Анингдин тегир из, азиз эмди қиз.
Ужузқа агирлик, кичигка улуғ.
Ғавузқа йўлаки, бедугка адиз.

* * *

- 21 Нима бор жаҳонда бирор ҳийласиз,
Яна ҳийла борми бирор чорасиз,
Ҳама ишга ҳийла, илож, чора бор,
Амон йўқ ўлимдан, ўлим ҳийласиз.

* * *

- 22 Ҳама ишга вақти, кунн белгилик,
Нафас, дам олишнинг сони белгилик,
Ғил, ой, кун ўтардек тириклик ўтар,
Ўтиб кунлар элтгай сени белгилик.

* * *

- 23 Азиз нарса шулки, азизга эъзов
Ўшандан буюргай, азиз ўзи оз,
Кичикка — улуғлик, ҳақирга — қадр,
Хатога — ҳидоят, буюкка — у соз.

* * *

- 24 Кўдазилди кимни кўдазса иди,
Тилак булди, неъмат тўлусин еди,
Қаю қул байатқа инанса туруб,
Бала, қадғу қапғин ўзинга тўди.

* * *

- 25 Тирик бег кишика керак эдгу йанг,
Керак бўлса булғай камуғ эдгу нанг.
Эсизка некулуг керак мал, тавар,
Неча кирса бўлғай чигай бирла тенг.

* * *

- 26 Бўр ичма, зинақа йағума, ҳазар,
Бу экки чигайлиқ тўнини кидар.
Бу бўрдин қўпар минг язуққа юрак,
Зинадин қачар қут, юзингга судар.

40

* * *

- 24 Имон кимда бўлса, амон топди у,
Тилак-орзуларга тугал ботди у,
Агар бўлса кимнинг имони тугал,
Бало-ғамга маҳкам эшик ёпди у.

* * *

- 25 Тирик бег киши-чун гўзал хулқ—чирой,
Керак бўлса давлат, топар у кирой,
Тубанга тавор-мол керакми? Нега?
У бўлса неча бой, тенгидур гадой.

* * *

- 26 Май ичма, зинодан қилиб тур ҳазар,
Бу ишлар гадолик тўнин кийгизар,
Ботиргай сени май гуноҳга тамом,
Зинодан қочар қут, юзингга сузар.

41

* * *

- 27 Ажал келмас эркан ўлумка этин,
Тириглик ўдинда тапуғ қил, тапин.
Улум келса, тугса, ўкунч асғи йўқ,
Неча ма улиса қара ер қатин.

* * *

- 28 Тушунгтег кечурдинг тириглик ўдуғ,
Қани, асғи кўргит менга бир бўдуғ.
Кунунгни кечурдунг тилак, арзуқа,
Тириглик тугади, ўкунч ул қамуғ.

* * *

- 29 Усал янглуқ ўғли ўгуш нанг терар,
Некука, тегарму, сақинмаз бирар.
Баюса, тилақини тапса тугал,
Тугатур тириглик ажал, жан берар.

42

* * *

- 27 Улимга ҳозир бўл, келар деб ажал,
Шаръий хизматинг эт тирикликда қал,
Еқа тутгач ўлим, ўкинч фойдасиз,
Ер остида йиғлаш бўлур беамал.

* * *

- 28 Утиб кетди тушдек ҳаёт кунлари,
Қани, менга кўрсат, унинг нафлари,
Тилак-орзу бирла кечирдинг кунинг,
Тугаган тириклик ўкинчдир бари.

* * *

- 29 Гофил инсон ўғли талай мол терар,
Нима муддаода, тушунмай бирор,
Бойиса, тилақини топса тугал,
Тугатур ҳаётни, ўлар, жон берар.

43

* * *

- 30 Кезигча келир бу ўлумнунг қўри,
Улумка ўзунг чин ануқлан, юри.
Қур алтун бағучи муну ман тею,
Улум тутти эрса узулди қури.

* * *

- 31 Қариндан чиқардинг, қаринқа кирур,
Шакардин игидтим, йиланқа берур.
Эсизим тириглик, эсизим тириглик,
Уқушчун сизит бирла гўрка кирур.

* * *

- 32 Атанг пандини сан қатиг тут, қатиг,
Қутадага, кунунг бўлга кундин татиг.
Атангни, анангни севундур туши.
Янут берга тапғунг туман минг асиг.

* * *

- 30 Маҳалсинг уради ўлим панжасин,
Улимга ҳозир тур, кўриб чорасин,
Мана ман, деб олтин камар боғлаган,
Улим қарши келса, ечар белбоғин.

* * *

- 31 Қориндан чиқарур, яна киргизур,
Ширин парваришлаб, илонга берур,
Эсиз бу тириклик, эсиз бу ҳаёт,
Укинч-нола бирла у гўрга кирур.

* * *

- 32 Ота пандига сан тугал қил амал,
Юрарсан бўлиб бахтиёр ҳар маҳал,
Отангни, онангни севингир тамом,
Бу хизмат етиргай тилакка тугал.

* * *

- 33 Юриғли кўрурман, ярағлиси йўқ,
Яроғли булунса юриғлиси йўқ,
Қалин бўд, қарабаш юмитти ўгуш,
Телимда тиласа тўсуғлиси йўқ.

* * *

- 34 Кишилиқ қилурқа кишилиқ анут,
Кишлиқ тенгинча тўра қил янут,
Вафақа вафа ул кишлиқ ҳақи,
Вафа қил, кўни бўл, атингни бедут.

* * *

- 35 Билигсизга давлат ярашса келиб,
Билигсизга артуқ ярашур тегиб,
Билигсиз билла турса давлат қали,
Билигсиз билла турға тенг — туш кўриб.

* * *

- 33 Юрувчи талайдур, яроғлиси йўқ,
Яроғлилар ичра юрувчиси йўқ,
Қора ом, халойиқ йиғилган талай,
Бу кўп ичра фойда берувчиси йўқ.

* * *

- 34 Сенга ким қиларкан одамгарчилик,
Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик,
Вафога вафодир кишилиқ ҳақи,
Вафо қил, одил бўл, ном ол мангулик.

* * *

- 35 Билимсизга давлат ярашса келиб,
Билимлига ортиқ ярашар етиб,
Билимсиз билан турса давлат агар,
Билимли-ла тургай муносиб бўлиб.

* * *

- 36 Баят фазли бирла ағирлар қулуғ,
Билиг қапғи ачлур, ўнгарур йўлуғ.
Билиг билса кунда қутадуз куни,
Неча ма кичиг эрса бўлди улуғ.

* * *

- 37 Киши йилқи бирла адирти билиг.
Билиг бирла янглуқ кўтурди алиг.
Юри, йилқи бўлма, билиг бил, уқуш,
Билиг бирла сўзла, йўриқ тут тилиг.

* * *

- 38 Қилинчи қари ўғлан узлуг уқуш,
Уқуш қайда бўлса, ангар бар, япуш.
Кичиги севуглуг, қариси амул,
Ўзи тузун, алчақ, кўр, асғи ўгуш.

48

* * *

- 36 Худо фазли бирла улуғлар қулин,
Очар илм эшигин, топар ўз йўлин.
Билим билса, кунда топар рўшнолик,
Кичик бўлса ҳамки улуғлар ўзин.

* * *

- 37 Одамни вуҳушдан билим фарқлади,
Билим бирла инсон қадин тиклади,
Бўлиб қолма йилқи, билим ол, ҳунар,
Билиб сўзла, тилни билим сақлади.

* * *

- 38 Зако — ёшдек, оқил қаридек — зеҳн,
Зеҳн қайда бўлса, бор, унга етин,
Қарилиги — савлат, гўзал — ёшлиги,
Ўзи аъло, афзал, талай, кўр нафъин.

49

* * *

- 39 Севигли кишининг юзи белгулуг,
Тили ачса маъни, сўзи белгулуг.
Севар, севмазин ўз билайин теса,
Сенга тетру бақса, кўзи белгулуг.

* * *

- 40 Бағирсақни ўғди уқушлуғ ўгуш,
Бағирсақ кишилар кишика кўшуш.
Бағирсақни билса, бағирқа урун,
Менга мундағ айди билиг ҳам уқуш.

* * *

- 41 Билиглик керак бир, уқушлуғ, удуг,
Ангар тегмаса бир мўфача юдуг.
Қилинч эдгу, эрдам керак минг туман,
Ати эдгу бўлса, тутунса будуг.

* * *

- 39 Севувчи кишининг юзи белгили,
Гап очганда маъни, сўзи белгили,
Севар, севмасини билайин десанг,
Сенга ўтру боқса, кўзи белгили.

* * *

- 40 Меҳрлини мақтар оқил, шубҳасиз,
Меҳрли кишилар ҳамага лазиз,
Меҳрлини билсанг, унга бер кўнгили,
Буни айтган идрок, билим, эй азиз.

* * *

- 41 Керак доно, оқил ва ҳушёр бўлиш,
То инсонга юз урмагай душвор иш,
Керак минг туман хислату эзгу феъл,
Эр отин қилур эзгу ўзни тутиш.

* * *

- * * *
- 42 Менгилиг қайу ул, манга ай йўра,
Киши қутлуғи ким кишилар ара.
Еса, берса дуня, тирилса қутун,
Тақи бир ажунда бу булди тўра.

* * *

- 43 Қаю эрда бўлса уқуш бирла ўг,
Ани эр атағил, неча ўгса ўг.
Уқуш, ўг, билиг кимда бўлса тугал,
Явуз эрса кад те, кичиг эрса ўг.

* * *

- 44 Тили ялған эрнинг жафа қилқи ул,
Жафа кимда эрса ўшул йилқи ул.
Киши ялғаниндам тилама вафа,
Бу бир сўз синамиш ўгуш йилқи ул.

52

- 42 Очиб айт менга, ким фароғатли эр?
Кишилар ичида тугал бахтли эр?
Бири — бахти келган, зиёд давлати,
Бири — жойи тўрдаги ҳурматли эр.

* * *

- 43 Агар кимда бўлса ақл, нам, зеҳн,
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин,
Зиёд бўлса кимда уқув, ақл, билим,
Ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин.

* * *

- 44 Тили ёлғон эрнинг жафо хулқидир,
Жафо кимда эрса ўша йилқидир,
Киши ёлғонидам вафо кутмагин,
Бу сўз кўп синалган талай йилгидир.

53

* * *

- 45 Кур арслан бўлу берса итқа баши,
Бу ит барча арслан бўлур ўз туши.
Қали бўлса арсланқа ит башчиси,
Бу арслан бўлур барча ит сақиши.

* * *

- 46 Ағир юк кишика қилинч арқуқи,
Қилинч арқуқ эрса, бўлун ит ўқи.
Яғи қилмағусин қилинчи қилур,
Яғи бу, яғидин на бар адруқи.

* * *

- 47 Бўди қисға, юнчиғ — қилинчи буши,
Буши қайда бўлса, тутушқа баши.
Бўд ўтру керак ҳам тенгинча ярағ,
Ишинг ўрту тут, эй билиглағ киши.

* * *

- 45 Гар итларга арслон бўларкан боши,
Бу итлар бўлади у арслон туши,
Гар арслон тўдасига ит бўлса бош,
Бу арслонлар итнинг бўлар тенгдоши.

* * *

- 46 Феъли бадлик эрга огир юк эрур,
Феъли бад кишилар тубан ит турур,
Еви қилмас ишни феъли қилгуси,
Бу — ёвдир ва ёвдан нечук фарқ қилур

* * *

- 47 Бўйи қисқаларнинг фасод қилмиши,
Фасод қайда бўлса, урушнинг боши,
Ярашиқ, муносиб бўлар ўрта бўй,
Ишинг ўртача тут, э доно киши.

* * *

- 48 Бу беглар на йўлча юриса қали,
Ушул бег йўруқи бу қулнунг йўли.
Беги эдгу бўлса, йўриқи кўни,
Тақи артуқ эдгу юригай қули.

* * *

- 49 Бу беглар қапуғин сиясат безар,
Сиясат била бег элини тузар.
Эсизка сиясат юритғу керак,
Будун булғануқин сиясат сузар.

* * *

- 50 Элиг бўйни қилча, ўкакча башни,
Ангар кад инанмаз уқушлуғ киши.
Қилинч баш узала масал беглик ул,
Кунинга ангар минг хатарлиғ иши.

* * *

- 48 Агар бег не йўл танласа юргали,
Қўлининг йўли ҳам ўшал бег йўли,
Беги өзгу бўлса, йўриғи раво,
Яна ортиқ өзгу юради қули.

* * *

- 49 Ҳа, беглар эшигин сиёсат безар,
Сиёсат ила бег элини тузар,
Ёмонга сиёсат юритиш керак,
Авом ифлосини сиёсат сузар.

* * *

- 50 Амир бўйни қилдай ва бурждай боши,
Унга кўп ишонмас сеҳнали киши,
Бош узара киши қилмиши бир ҳоким,
Кунинга унинг минг хатарли иши.

* * *

- 51 Уруғлуғ кишилар қилинчи силиг,
Вафа бирла халққа ядиғли алиг.
Ариғсиз, қилинчи вафасиз, жафа,
Неча ма етурса шакар ҳам йилиг.

* * *

- 52 Киши кўркинга ич қилинчи эш ул,
Юзи кўрки бирла қилинчи туш ул.
Таши кўрсатиб тут ичинга тануқ,
Ташитег ичи ул, ичитет таш ул.

* * *

- 53 Юриғли, учуғли қамуғ нангни кўр.
Тутар ўзга эш — туш ўзи тенгни, кўр.
Эсиз эдгу бирла қатилмас, қачар.
Қамуғ нангга янгзағ бу бир янгни кўр!

58

* * *

- 51 Асл, соф кишилар иши — яхшилиқ.
Вафо бирла халққа қилар эзгулик,
Тубан, пастлар иши — вафосиз, жафо,
Агарчи едиргай шакар ҳам илиқ.

* * *

- 52 Киши ҳуснига ич қилиқлари тенг,
Юзи кўркига феъл ва хулқлари тенг,
Ташини кўриб ол ичидан нашон,
Таши — ич, ичи — таш, йўриқлари тенг.

* * *

- 53 Юрувчи, учувчи жами жонлилар,
Тутиб ўзга эш-туш, тенги-ла юрар,
Ёмон яхши бирла қорншмас, қочар.
Бу бир тарз жами нарсага мос тушар.

59

* * *

- 54 Киши ўдсуз ўлмас анадин туғуб,
Нелуг қўрқар ўзунг яғини кўруб,
Яғиқа ялингтег, эрантег уруш,
Ажалсиз ўлум бўлмас ўзга бўлуб.

* * *

- 55 Бўш, азад киши барча эдгу қули,
Сан эдгу қилу ач кўнилик йўли,
Кишилик қилурқа киши бўл туши,
Киши мундағ урди кишилик ули.

* * *

- 56 Угуш су тилама, эр ўдрум тила,
Эр ўдрум тила ҳам тўлум тум тила,
Этиглик аз эдгу ўгуштан кўру,
Телим тушти артақ ўгуш су била.

60

* * *

- 54 Киши пайтсиз ўлмас, онаси туғиб,
Нечук қўрқасан сен ёвингни кўриб,
Ёвинг бирла мардонавор жангга кир,
Ажалсиз ўлим келмас ўнга бўлиб.

* * *

- 55 Ҳама озов инсонлар эвгуга қул,
Қилиб эвгу иш, оч адолатга йўл,
Одамгарчилик қил ҳаминша ўзинг,
Кишилик ҳақи шу, адолатли бўл.

* * *

- 56 Талай лашкар эрмас, сара, оз тила,
Сара, оз тила ҳам салоҳ соз тила,
Сифатли оз афзал талайдан кўра,
Талай лашкар ичра хатолар тўла.

61

* * *

- 57 Кўрушмас яғиннинг куси кад йироқ,
Кўрушса басинур кўругли қарақ.
Яғиқа ялинг тег, тилинг алмасу,
Узатса баситтинг, ети қил адақ.

* * *

- 58 Кулар юз, исиг сўз, ула нанг тавар,
Бўш, азад кишилар бу учка эвар.
Сан алтун, кумуш бирла алма қулуғ,
Бу уч нанг юлуғ қил, қамуғ қил тавар.

* * *

- 59 Эди эдгу нанг бу киши кўрки — юз,
Бу юз кўркинга сув ичар экки кўз.
Қута, кўрклуғуг кўр, қилин ўзка фал,
Ишинг эдгу бўлғай, қамуғ сўзни уз.

* * *

- 57 Синалмаса душман — хабари йироқ,
Синалса кўрар кўз, эшитар қулоқ,
Тетик бўл ёвингга, у тил олмасин,
Сир олса босар у, босиб тур оёқ.

* * *

- 58 Очиқ юз, ширин сўз бўлиб, бер тавор,
Бу уч нарса узра сенга халқ оғар,
Сен олтин, кумушга сотиб олма қул,
Уша учта нарса тавор — мол йиғар.

* * *

- 59 Жуда эзгу нарса киши кўрки — юз,
Бу юз сув ичар чашмадек — икки кўз,
Не бахт, кўрклига боқ, кўр ўзингга фол,
Ишинг эзгу бўлғай, узун қилма сўз.

• • •

• • •

- 60 Ҳажибламқда ашну бу ўн нанг керак.
Ети кўз, қулақ сақ, кўнгул кенг керак.
Юзи кўрки, бўд, тил, уқуш, ўг, билиг,
Қилинчи буларда тугал тенг керак.

• • •

- 61 Улуғлуқ турур бу ҳажибламқ иши,
Муни башқа элтмас магар кад киши.
Ҳажиблар иши тут я беглар иши,
Улуғ я кичиғ тут ўтуқчи киши.

• • •

- 62 Ўди бўлса кўргит маликларка юз,
Айитуқта сўзла, тилин сўзка суз.
Қамуғ нангқа вақт ул, ўди белгулуг,
Ўди бўлди эрса, кўрур экки кўз.

64

- 60 Ҳажибламқка шу ўн равиш энг керак,
Очиқ кўз, қулоқ — соғ, кўнгул кенг,
керак,
Чиройи, бўйи, тил, зеҳн, онг, нам.
Қилиғи буларга тугал тенг керак.

• • •

- 61 Улуғлик эрур бу ҳажибламқ иши,
Буни барча қилмас, қилар соз киши,
Ҳажиблар ишин қил ё беглар ишин,
Улуғми, кичикми, ҳама бир киши.

• • •

- 62 Кези келса кўрсат маликларга юз,
Сўралганда очгин тилинғ, сўзла сўз,
Ҳама нарсага вақт, кези белгилик,
Кези келган эрса, кўрар икки кўз.

65

* * *

- 63 Сўзун сўкса ялнгуқ ачитса тилин,
Сўнгука сизиг ул, кўнгулка ялин.
Уруб берка баши бутар тарк сўнар,
Тилин сўкса бутмас, ачиги йилин.

* * *

- 64 Уқуш бирла уқ, иш, билиг бирла бил,
Кўнгул бўлсу қутлуғ, қутадсуни йил.
Тетиглик била эр тилакка тегир,
Билиг бил, уқуш уқ, ишинг ўтру қил.

* * *

- 65 Қали ичтинг эрса әсиртгу сучиг,
Кўнгул сирри ачти, чиқарди ичиг.
Билиглиг бўр ичса билигсиз бўлуи,
Билигсиз бўр ичса бўлуи кич кичиг.

66

* * *

- 63 Киши сўкса, аччиқ тутар эрса тил,
Суякка урар ниш, оғритар кўнгил,
Таёқ зарбасининг изи тез ўчар,
Бу тил зарбидан из қолар неча йил.

* * *

- 64 Зеҳн бирла уқ иш, билим бирла бил,
Кунинг бахтли бўлсин ўтиб ой ва йил,
Заковат била эр муродга етар,
Билим ол, заковат билан ишни қил.

* * *

- 65 Гар ичса киши май шалоқ маст бўлар,
Сири фош бўлар ҳам иши суи бўлар.
Билимли май ичса, билимсиз бўлар,
Билимсиз май ичса тубан, паст бўлар.

67

* * *

- 66 Кўнгул сирри берк тут, сан айма тили
Қали ачтинг эрса, ўкунчи йилин.
Қизил тил қара башқа явлақ яғи,
Бу явлақ яғиг бекла, инчин салин.

* * *

- 67 Кўнгул, тил кўни тут, қилинчинг буту.
Санга келга дуня, бу давлат қутуи.
Кўни бўлдунг эрса қутадга кунинг,
Саламат тирнағи севиинчи, қутуи.

* * *

- 68 Эди ма батиг ҳандаса сақини,
Анин тезгинур, кўр, ҳакимлар баши,
Ақинтег барир бу ети қат кўкуг,
Адирти сачимтег бирар сақини.

68

* * *

- 66 Кўнгул сиррин очма, яширгин уни,
Агар сир очилса, ўкинч ҳар они,
Қизил тил қора бош ёвидир тугал,
Ашаддий бу ёвни кузат тун-куни.

* * *

- 67 Кўнгул, тилни рост тут ва хулқни тугал,
Сенга дунё-давлат келар ҳар маҳал,
Агар тўғри бўлсанг, тугар бахт кунинг,
Омон бўл, саодат сари қил жадал.

* * *

- 68 Жуда ҳам чуқур ҳандасанинг иши,
Бу иш бирла банддир ҳакимлар боши,
Ёғиндек тутар етти қат кўкни у,
Унинг бир амали — талай ташвиши.

69

* * *

- 69 Эт, ўз, етти андам кўнгулка удар.
Кўнгул бирла янгулқ агир юк юда
Тугалсиз бедиз ул кўнгулсуз киши,
Кўнгулсуз киши билга атин бўдар.

* * *

- 70 Тиламишта булса тилагли нангин,
Янут қилса бўлмас жанидан ўнгин.
Керак ўдта бир ем янганча бўлур,
Қамуғ нангга янгағ муну бу янгин.

* * *

- 71 Қамуғни бутун тут, кўдагил ўз
Ўзунгга бағирсақ санинг ўз кўзун
Қамуғдан азизрак бу жанинг азиз,
Азиз жани бек тут, узатма сўзун

70

* * *

- 69 Руҳу етти андом кўнгулга қарар,
Кўнгул бирла инсон машаққат чекар,
Чала сурат эрур кўнгулсиз киши,
Кўнгулсиз киши доно номин бузар.

* * *

- 70 Тилаганда топса киши нарсани,
Фидо қилса оздир унга ўз жони,
Керак кезде бир дон — жавоҳирга тенг,
Бу тарз барчага хос эрур, кўр ани.

* * *

- 71 Ҳамани бутун тут, авайла ўзинг,
Сенга меҳрибондир сенинг ўз-ўзинг,
Ҳамадан азизроқ — бу жонинг азиз,
Азиз жонни асра, узатма сўзинг.

71

• • •

- 72 Уқушлуғ, вафолиғ, киши тузун,
Юлуғлар кишига қамуғ ўзини.
Ариғсиз, жафалиғ, қилинчи ўтун,
Қали айди әрса қияр сўзини.

• • •

- 73 Қаю нангга кирса киши эмгаки,
Севут бўлди ул нанг, севут жан кўки.
Киши эмгак идса тириглик идиб,
Ани севгу, юдгу, юдурса юки.

• • •

- 74 Юзи кўрки кўрклуғ керак, қилқи уз,
Неку тутса, андин тамар барча туз.
Қарин ачмиш ўзка юзи кўрса — аш,
Усуб сувсамишқа — кўруб қанғусуз.

72

• • •

- 72 Зеҳнали, вафоли, киши афзуни,
Қилади кишига фидо ўзини.
Ювуқсиз, жафоли, қилиғи тубан,
Тонар, ҳеч тан олмас деган сўзини.

• • •

- 73 Агар сингса меҳнат бирор нарсага,
Шу нарса севик жон каби барчага,
Киши чекса заҳмат ҳаёт сарф этиб,
Уни севсин, олсин юкин елкага.

• • •

- 74 Юзи кўркли, хулқи чиройли, гўзал,
Нима тутса, ундан томар шаҳд, асал.
Қорин оч киши гар юзин кўрса — ош,
Ҳориб сувсаганга зилол ҳар маҳал,

73

* * *

- 75 Севуг жан узала эминдан эмин,
Қулуб булмадим ман ўзумдан адин.
Қатиглан, кўдазгил, қатир тут ани,
Қалли барди эрса, тилама эмин.

* * *

- 76 Киши эдгулукка севуг жан берур,
Бир эдгу янути ўн эдгу қилур.
Асир булса янагуқ ўзин қул қилур,
Ангар қул бўлур, ўзка эмгак урур.

* * *

- 77 Билиг, эрдам ўгран, агир тут ани,
Агир тутғай ахир ул эрдам сани.
Билиг бил, уқуш уқ, юрима ява,
Уди келса эдгу ярур ул куни.

74

* * *

- 75 Ширин жонга мушфиқ кишидан дарақ
Тилаб топмадим мен ўзимдан бўлак,
Етиб қадрига сен авайла уни,
Агар зое кетса, қийин тикламак.

* * *

- 76 Киши эзгуликка ширин жон берар,
Бир эзгуни ўн эзгу-ла қайтарар.
Кўриб ўзгдан нафъ қилар жон нисор,
Унга қул бўлар, ўзга меҳнат олар.

* * *

- 77 Билим ҳам ҳунар ол, қадрла уни,
Билим-ла ҳунар ҳам қадрлар сени.
Заковат, билим изла, юрма бекор,
Кези келса нафъи тегар бир куни.

75

• • •

78 Киминг бўлса давлат, узади аалиг,
Қамуғ татруси ўнг, сўзи ўг, билиг.
Ажун файласуфи нанги бўлмаса,
Неча тилдам эрса, кишалди тилиг.

* * *

79 Билиг бирла язлуур қамуғ терс тугун,
Билиг бил, уқуш уқ, тириагил ўгун.
Билиг ишка тутгил, тақи бил кун,
Тақи ўграну тур, ўсанма бу кун.

* * *

80 Яғиз ер, яшил сув ярашти била,
Ара минг чечаклар язилди кула.
Ярашиқ юриса қадаш я адаш,
Улардин бўлуур қаб — қадашқа йула.

78 Бадавлат киши эркин тутгай ўзин,
Ҳамма терс иши ўнг, тили ҳам узун.
Ҳаҳон файласуфи фақир бўлса гар,
Неча доно бўлсин, тияр у сўзин.

• • •

79 Билим-ла ечилуур ҳама берк тугун,
Билим ва заковатга интил кунун.
Билимини сол ишга, неча билмагин,
Яна ўрганавер, ғанимат бу кун.

* * *

80 Қора ер, зилол сув муносиб тушиб,
Ҳисобсиз чечаклар очилди кулиб.
Қариндош ва дўстаар бўлиб юрса саз,
Бутун қавм учун қолгай ибрат бўлиб.

И

* * *

- 81 Эран эр қатинда ўзин кезлади,
Тапуғ қилди юз йил, ани азлади.
Тапуғ кезлаю қил, киши кўрмасу,
Бу сўз мубрам эрди, ўзум сўзлади.

* * *

- 82 Тапуғ, таатим теб куванма ўгуш,
Тапуғ қил баятқа, тапуғлуқ кўшуш.
Тапуғ қил баятқа, бу ул қуллауқунг,
Танундум тею сан унитма уқуш.

* * *

- 83 Қамуғ ғайиб ўзлар кўрушса ўзун,
Сақинч бўлди қисға, севинчлар узун.
На кўрклуғ бўлуғ кўр, киши адрилиб,
Саламат қавушса эки ўз ўзун.

78

* * *

- 81 Қаторда ўзини туголган киши,
Дегай оз, агар юз йил эрса иши,
Ишинг қилма кўз-кўз, киши кўрмасин,
Бу сўз барчага лозим айтилиши.

* * *

- 82 Талай тоатим деб сен этма гурур,
Худого тоат қил, бу иззат турур,
Худого тоат қил, будир қуллауғинг,
Тоат бирла ўтма, билимга юз ур.

* * *

- 83 Жудолар кўришса, топиб бир-бирин,
Алам қисқа бўлгай, севинчлар — узун.
Не кўркли бўлар, кўр, киши айрилиб,
Саломат тополса ёру дўстларин.

79

* * *

- 84 Қаю ишка арзу юриса, тилак,
Адақ урса бұлди ул арзу йўлак.
Тилак бирла мангса йирақ ер яқин,
Қачан кўрса юзин бўлур жан илак.

* * *

- 85 Ұзунг сизғирурсан ўғул — қиз тею,
Бу амгак билиглаи ўғул — қиз қаю.
Терирсан ҳарамиг, барирсан, қалир,
Сан инжиқ ею бар, ул арзу ею.

* * *

- 86 Неку эр бўлур кўр, минг эр душмани,
Минг эр сўзламаса кунинга уни.
Бўриму бўлур, кўргил, итқа қаяр,
Удила эшитса минг итлар уни.

80

* * *

- 84 Бирор ишга уйгонса орзу-тилак,
Бу орзуга шаҳдам киришмоқ керак.
Тилак бирла юрсанг узоқ ер яқин,
Кўриб ёр юзини, бўлар жон сарак.

* * *

- 85 Ұғил-қиз дея қийналар эр жони,
Бу кулфатни билган ўғил-қиз қани,
Терарсан ҳаромни, ўларсан, қолар,
Фароғатда ўтсин ҳаётинг кунни.

* * *

- 86 Бир эр бўлмагай ҳеч минг эр душмани,
Минг эр сўзласа-да кунига уни,
Бўри қайрилиб итга боққайми, кўр,
Эшитилса ортдан минг итнинг уни.

81

519

* * *

- 87 Эранда эри ул қаю нагкка эрк,
Булуб, қилғу ерда ўзин тутса берк.
Тақи эрда еграк, эран ул турур. * *
Минг арзу булуб бу ўзин тутса терк.

* * *

- 88 Кўнгул кимни севса, кўрур кўзда ул,
Кўзун қанча бақса, учар юзда ул.
Кўнгулда неку эрса арзу-тилак,
Ағиз ачса, барча тилми сўзда ул.

* * *

- 89 Қаюда тиласа юри, эдгу бўл,
Туби, асли қулма, ўзунг, эдгу қул.
Киши эдгуси, кўр, унитмаз ўзин,
Қаюда юриса юри эдгу йўл.

* * *

- 87 Киши асли улдир, қўнимли бўлиб,
Ишин ижро этса, ўзини тутиб,
Аслларнинг асли бўлар, гар киши
Тия билса ўзни, минг орзу топиб.

* * *

- 88 Кўнгил кимни севса, у кўзда турар,
Неча боқмасин кўз, яна орзулар.
Дил орзу-тилагини нима бўлса гар,
Оғиз сўзга очгач, у тилга чиқар.

* * *

- 89 Қаер бўлса орзунг, юру яхши бўл,
Тегу тахтга учма, сун эзгуга қўл,
Киши яхшиси, кўр, унутмас ўзин,
Ҳама ерда юргин топиб эзгу йўл.

* * *

- 90 Бу дуня қачар, ким эдарса ани,
Яна қачса андин эдарур сани,
Яна динқа ўчлук бу дуня нанги,
Ўса, дунядин бар, бақа кўр муни.

* * *

- 91 Тиши бирла суҳбат ади кад татиғ,
Сўғуқ суқа юнмақ янути қатиғ,
Татиғ қайда эрса, татиғсиз била,
Сучиг қайда эрса, сўнгинда ачиғ.

* * *

- 92 Шакарлиг единг сан узун наъмати,
Кўвуқ, туз едим ман, ўзум тақати.
Экигу тўдуб тенг кеча яттимиз,
Кечиб барди, келмиш кунум саати.

84

* * *

- 90 Бу дунё қочар, гар қидирсанг уни,
Агар қочсанг ундан, қидиргай сени.
Диёнатга душман бу дунё моли,
Сен ундан кеч албат, кўриб хулқини.

* * *

- 91 Аёл бирла ишрат ўта тотлидур,
Совуқ сувга юнмоғи мушкул эрур.
Ширин доим аччиғ била биргадур,
Сучик қайда бўлса, сўнг аччиғ келур.

* * *

- 92 Шакар-ла единг сен жаҳон неъматин,
Кепак нон едим мен, тутиб тоқатин.
Иковлон тўйиб тенг кеча ётдигу,
Кеча ўтди, кўр, келди кун-соати.

85

* * *

- 93 Кечурдунг кечигли бу тунки тунунг,
Кечар ятса сан ҳам келигли кунунг.
Кечурмиш кечургу ара бир тушун,
Тириглик бу мунча, бедутма унунг.

* * *

- 94 Рижa, хавф бирла қанат сан қилин.
Бу экки узаки йўлур сан алин.
Баят ярлигин тут, ўзунг қулууги,
Уча кир сарайқа, эражин салин.

* * *

- 95 Яқин бўлса кўнгулун, йирақ ер яқин,
Яқинлиқ вафаси кўнгулка бақин.
Туғардин батарқа бир ўрлам ер ул,
Вафа бирла бўлса яқинлиқ ҳақин.

* * *

- 93 Кечанг ўтди-кетди, бугунги туниг
Утар ётсанг албат, келар сўнг кунинг,
Кечирган кунинг сен учун туш каби,
Ҳаёт маъниси — шу, чиқарма унинг.

* * *

- 94 Рижа, хавф билa сен қанот боғлагин,
Шу йўлдан юришни ўзинг таналагин.
Худо буйруғим қил, ўзинг қуллигинг,
Беҳиштга учиб кирмоғинг чоғлагин.

* * *

- 95 Яқин бўлса кўнгул, узоқ ер яқин,
Кўнгулдир яқинлик вафосига ин.
Бўлар Шарқ билан Ғарб йўли бир
қадам,
Вафо-ла ўталса яқинлик ҳақин.

* * *

- 96 Ачигли, тудўглиқа қилма тапуғ,
Некука қилурсан тапуғқа тапуғ.
Тапин бир баятқа туши тинмадин,
Бу тун, кундузун бўл ачуқлуғ қапуғ.

* * *

- 97 Бўгузқа сйимча ажунда сйим тап,
Эгинка кедимча эгинда кедим тап.
Тириглик бўлурча егимни булурман
Керак бўлса бергай манга бир идим тап

* * *

- 98 Қулуб бермагу нангни қулма кучун,
Тилаб булмағуни тилама кучун.
Юруб тегма ерка ма барма ядағ,
Қали бардинг эрса тег эмгак учун.

* * *

- 96 Очу тўқ кишига юмуш қилмагин,
Юмуш-ла ўзингни урунтирмагин.
Топин бир худога сира тинмайин,
Туну кун эшигинг ёпиқ тутмагин.

* * *

- 97 Томоққа керакча, жаҳонда сйим бор,
Эгинга керакча, эгинда кийим бор.
Тирик бор эканман, топилгай бу
риқким,
Керак бўлса бергай менга, худойим бор.

* * *

- 98 Сўраб бермаган нарсани сўрмагин,
Топилмасни истаб азоб кўрмагин.
Яна турли ерларга борма яёв,
Агар борсанг, ортди машаққат дсгин.

* * *

99 Қамуғ игка ўт ул, эми белгулуг,
Ул иг эглагувчи қами белгулуг.
Кўнгул арзу бирла қали игласа,
Тилаб будаса ўнгулур иги белгулуг.

99 Ҳама дард учун дори-дармон бўлар,
Бу дардни даволовчи луқмон бўлар.
Кўнгила орзу дардига бўлса дучор,
Даво — орзу дилга етар он бўлар.

* * *

* * *

100 Кишика синағи бир ўк кўрса тап,
Севар, севмазин бир тилин сўрса тап.
Бақир, алтунуғ эр кўруб билмаса,
Алиб ақина сир ташиг сурса тап.

100 Кишини синашга бир он кўрса бас,
Севар-севмасин сўз ила сўрса бас,
Киши мис ва олтинни фарқлолмаса,
Олиб озгина сир тошин сурса бас.

* * *

* * *

101 Бу бегларка тапмақ тиласа ўзунг,
Кўнгул, тил кўни тут, кўдазгил сўзунг.
Тўру ҳам тўқу бирла ўгран тапуғ,
Тапуғ билдинг эрса, яради ўзунг.

101 Агар бегга хизмат қилиш, истагинг,
Кўнгила, тилин рост тут, авайла сўзинг,
Юмуш-хизмат ўрган усули билан,
Бу хизматладирсан яроғли ўзинг.

* * *

- 102 Туға билга туғмаз, киши ўгранур,
Бу сўз сўзламаз тил туру сўзланур,
Киши ўганиб ўтру билга бўлур,
Билиг билса ўтру қамуғ иш унур.

* * *

- 103 Юз ўтру турур бўлса бегка ўзунг,
Ади қўрқу турғил, кўдазгил ўзунг.
Қилинч эт, йўриқ туз, ўзунгни тутун,
Кўнгул, тил кўни тут, яшурғил сўзунг

* * *

- 104 Кула боқса беглар кишика кўзун,
Севунма ангар сан, инанма узун.
Тапуғқа инанма, кўтурма кўнгул,
Санга туга беглар, янгилса тузун.

92

* * *

- 102 Туға доно бўлмас, киши ўрганур,
Бурун сўзламаз тилда сўз сўзланур,
Киши ўганиб, сўнгра доно бўлур,
Билим билса, сўнгра ҳама иш унур.

* * *

- 103 Қабулда бегингга югуртгач кўзинг,
Жуда қўрқа тургин ва сақла ўзинг,
Феълу рафторинг соз этиб, ўзни тут,
Кўнгул, тили чин тут, яширгин
сўзинг.

* * *

- 104 Кишиларга беглар кулиб боқсалар,
Ишонма унга сен, эрур бу хатар,
Ишингга инониб кибр қилагин,
Қаҳр қилса, сочгай сенга бег заҳар.

93

* * *

- 105 Киру тур тесалар агирлик угуш,
Чиқа тур теса, кўр, юзунгка сўгуш.
Кўзунигни кўдазгил, ўзунгни тутун,
Узин тутгучи эр эранда кўшуш.

* * *

- 106 Улуғ ҳурмати бар ажунда тўру,
Улуғ келса қўпғил адақин ўру.
Ярашур улуғқа кичиг ҳурмати,
Улуғ ма кичигка қилур ўқ кўру.

* * *

- 107 Кичигка улуғлуқ улуғдин тегир,
Улуғқа тапунса кичиг қут алир,
Улуғлар сўзин тут, юмуш қил, югур,
Улуғ сўзи тутса, тилакка тегир.

94

* * *

- 105 Агар кир десалар бу — ҳурмат бўлур,
Чиқиб тур десалар — ҳақорат бўлур.
Бўлиб аҳтиёт кўзга, тутгин ўзинг,
Узин тутган эрлар сериззат бўлур.

* * *

- 106 Жаҳонда одатдир улуғ иззати,
Улуғ келса турмоқ — киши одати.
Улуғга кичик ҳурматидир ҳусн,
Кичик ҳам улуғдан кўрар ҳурмати.

* * *

- 107 Кичикка улуғлиқ улуғдан тегар,
Улуғга этиб иш кичик қут топар,
Улуғлар сўзин тут, амал қил, югур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар.

95

* * *

- 108 Бир ўқ душман эрса, минг ул яслиқи,
Мингин дўстунг эрса бир ул азлиқи
Киши душманиндин асиг қилмади,
Қали қилди эрса, ўзи узлиқи.

* * *

- 109 Туз, этмак етургил кишиқа кула,
Юзунгни яруқ тут сучиг сўз била.
Кишиг қула қилиған бу экки қилинч,
Адин булмадим ман, булинса тила.

* * *

- 110 Усанма, яғиқа яқин турма, кет,
Яғиг сан ўсандур, ани тўрқа ет.
Синама яғиг сан, бедуг бил, улуг,
Таяқдиқ яғиқа темур қалқан эт,

96

* * *

- 108 Ёвинг бир эса, мингга тенг ёвлиги,
Эса мингга дўст, бирга тенг озлиги.
Киши ёвидан кўрмаган зарра нафъ,
Агар бўлса кўрган — бу ҳушёрлиги.

* * *

- 109 Тузу нон едиргин кишига кулиб,
Очиқ тут юзингни ширин сўз бўлиб.
Кишиларни мафтун қилур ушбу иш,
Бўлак топмадим чора, сен топ келиб.

* * *

- 110 Гофил бўлма, ёвга яқин турма, кет,
Уни сен гофил қил ва сиррига ет,
Синаб турма ёвни, буюк бил, улуг,
Таёқли эса ёв, темир қалқон эт.

97

* * *

- 111 Киши асли билмак тиласа ачуқ,
Кўнгул, тил қилинчи бу ишка тануқ.
Қилинч эдгу бўлса, кўнгул, тил кўн
Туби аслинга бу тануқ ул ануқ.

* * *

- 112 Сани сиз тесалар, ани сиз тегил,
Тақи анда яграк янут сўзлагил.
Қая янғқусидан қуди бўлмагил.
Сани сан тегай ул, ани сан тегил.

* * *

- 113 Қара қадғуси барча қарни учун,
Будун тевшики барча бўғзи учун.
Талим халқлар ўлди бу бўғзи учун,
Қара ер қатинда еюр ўт учун.

98

* * *

- 111 Киши аслини билмоқ эрсанг очиқ,
Кўнгул, тил ва хулқи бу ишга таниқ.
Феъли эзгу бўлса, тилу кўнгули соф,
Теги, аслига бу гувоҳдир аниқ.

* * *

- 112 Сени сиз деганларни сен сизласанг,
Яна ундан афзал жавоб сўзласанг.
Қоя акс садосига тенг тут ўзинг,
Сени сен дегай, гар уни сенласанг.

* * *

- 113 Авом қайғуси барча қорни учун,
Одам ташвиши барча бўғзи учун.
Талай халқ ўлиб кетди ўз нафси деб,
Қора ер тагида ётурлар бутун.

99

* * *

- 114 Сўзуг барча сўз теб чиқарма тилин,
Кўру, сақну сўзла, керакин билин.
Уқушлуғни кўрдум, кўр, аз сўзлади,
Угуш сўзладим теб ўкунди йилин.

* * *

- 115 Фасад тегра турма, юрима яғуқ,
Фасад қайда бўлса — ужузлуқ ануқ.
Фасад бирла давлат турумас, қачар,
Қали турса, танг йўқ, тунарча қўнуқ.

* * *

- 116 Билигсизка яқма, ўзунғни тутун,
Ўзин тутгучи эр тирилди қутун.
Билигсиз кишидин йирақ тур теза,
Билигсиз сўзи, қилқи барча ўтун.

100

* * *

- 114 Ҳама сўзни сўз деб гапирма узоқ,
Керак сўзни сўзла, бўлиб кўз-қулоқ.
Зеҳнлини кўрдим, у оз сўзлади,
Талай сўзладим деб ўкинди, бироқ.

* * *

- 115 Фасодга яқин юрма, бу иш чатоқ,
Фасод қайда бўлса — тубанлик у, боқ.
Фасод бирла давлат турумас, қочар,
Агар турса, тонг йўқ, туновчи қўноқ.

* * *

- 116 Билимсизга юрма яқин, ўзни тут.
Ўзин тутган эрларга ёр бўлди қут.
Ҳа, зинҳор билимсизга тургин йироқ,
Билимсиз сўзи, хулқидир бесубут.

101

* * *

- 117 Киси алса, ўздан қуди ал қўни,
Севинчин кечургайса ўдлак куни.
Юзи кўрки қулма, қилинч эдгу қул,
Қилинч эдгу бўлса, ярутга сани.

* * *

- 118 Қали бўлса сан бег будунқа улуг,
Кўнгул, тил кичиг тут, ўзунга йулуғ.
Ўзунгни унутма, енгилма йўриқ,
Келир қутқа сатма саламат йўлуғ.

* * *

- 119 Бу эт, ўзка берма тилак-арзусин,
Тилак булса еюр идиси башин.
Мунгар эдгу қилса, бу эсиз қилур,
Эсиз қилса бўйнин эгар эркисин.

* * *

- 117 Хотин олсанг ўздан қуйпроқчи ол,
Севинч-ла кечар кунларинг бемалол.
Ҳусн истама, хушфёвлин излагин,
Агар бўлса хушфёв, топарсан камол.

* * *

- 118 Ўзинг халққа бўлсанг улуг бег агар,
Кўнгила, тил кичик тут — ўзинг бехатар.
Ўзингни унутма ва бузма йўриқ,
Ўтар қутга бўлма диёнат сотар.

* * *

- 119 Ҳаво-нафсга берма тилак-орзусин,
Тилак топса ер у эгаси бошин.
Унга яхшиликдан ёмонлик қўпар,
Бу шаръдан эгар нафс эгаси бўйин.

* * *

- 120 Ұлумдин юмушчи, иг ул ашнуси,
Киши игладиму, ўлум қўшниси.
Бала, меҳнат ул иг — ўлум тутғақи,
Ұлумда татиг йўқ азу яхшиси.

* * *

- 121 Ҳзунг табъини ман айайин йўра,
Қизилли, саригли ўрунгли, қара.
Булардан бириси биринга яғи,
Яғуса яғиқа яғи адрара.

* * *

- 122 Бўғуздин кирур иг кишика ашин,
Кишиг иг қаритур, тугамас яшин.
Бўғузуг кўдаз тутчи, игсиз юри.
Қилур иг кишининг қизил энг ишин.

104

* * *

- 120 Ҳлим олдидандир касал жарчиси,
Киши хаста бўлса — ўлим қўшниси.
Машаққат эрур дард — ажал яғмоси,
Ҳлим беҳаловат ва йўқ яхшиси.

* * *

- 121 Минзожинги сенга этайин йўра,
Кизил ё саригдир ва оқ ё қора.
Булар бир-бирининг эрур душмани,
Эрур бир-бирин инкори ўзора.

* * *

- 122 Бўғиздан кирар дард кишига ҳар он,
Уни дард қаритгай, кечиргай замон.
Тийиб нафсни ҳар дам саломат яша,
Қилар дард кишининг юзин заъфарон.

105

* * *

* * *

123 Киши қутлауғи ул неча улғаду,
Бару әдгу бўлса, әсизлик қўду.
Тугал белгулау бил киши қутсузи,
Қариб юғрур әрса ҳаваси уду.

123 Шу әр қутландирки, неча улғайиб,
Фақат яхши бўлса, ёмонлик қўйиб,
Тугал белгиликдир киши қутсизин,
Қариб қувса орзу кетидан суйиб.

* * *

* * *

124 Ажунда тилакин булунди ўзум,
Ҳарислик ўзундин кетарди кўзум.
Ўзум қўдти дуня тилак, арзусин,
Тилаким туганди, кесилди сўзум.

124 Жаҳонда тилагимни топдим ўзим,
Бу бахл уйқусидин очилди кўзим,
Қўйиб молу дунё тилак-орзусин,
Тилагим тугади, тугатдим сўзим.

* * *

* * *

125 Ажунда алиндим ўзумка ўнги,
Қўвуқ, сўкни ем тап, тўнум қўй юнги.
Шакардан татиглиқ қўвиқ, бўз манга,
Жўз ул бу ўзум тўн ағилар тенги.

125 Жаҳонда рўзимни едим ҳар кунги,
Қипиқ, сўк — емишим, кийим — қўй юнги.
Шакардан ширинроқ қипиқдир менга,
Менга бўз либослар — ипақлар тенги.

* * *

- 126 Кўнгулдаки сиррим ачарман санга,
Тилак, арзу бирла учарман санга.
Кувангу, авингу, сифингу идим,
Қамуғдин узулдум, қачарман санга.

* * *

- 127 Угуш тернакинги, кўр, таради ўлум,
Ўлумуг сақинса ақар кўз йулум.
Манив кўксагучи мани қалмади,
Асиф қилмади су, этиглиг тўлум.

* * *

- 128 Аз эдгуга ялнгуқ унутур ўзин,
Яшил кўктан устун юритур сўзин.
Неча кур, кўкузлуг, куванур эриг,
Ўлум янчти кўксин, сачитти кўзин.

108

* * *

- 126 Кўнгилдаги сиррим очарман сенга,
Тилак-орзу бирла учарман сенга,
Қувончим, овинчим, сифингу эгам.
Ҳамадан узилдим, қочарман сенга.

* * *

- 127 Талай терганингни сочади ўлим,
Ўлим ёдга тушса, тошар ёш кўлим,
Менга дардлашувчи киши қолмади,
Илож йўқ, ўлимга тушаркан йўлим.

* * *

- 128 Оз иш бирла инсон унутар ўзин,
Яшил кўкдан устун юритар сўзин.
Талай мағрур эрни, кўрар кўзларин,
Ўлим янчди кўксин, юмитди кўзин.

109

* * *

* * *

129 Улуғлуққа артуқ қуванма кула,
Улуғ бұлдунг әрса баш ағриғ била.
Севинч қайда әрса сўнгинда бала,
Әраж қайда әрса минг эмгак била.

129 Улуғликка ортиқ ғурурланмагин,
Улуғ бўласанг, ўзга бош оғриғ дегин.
Севинч қайда бўлса, сўнгида бало,
Роҳат меҳнат ила әрур, англагин.

* * *

* * *

130 Ялавачқа бутса, битиг на керак.
Бутунлук булунса, этиг на керак.
Сўзунгни тилин ай, тилини әшит,
Тақи бир битиг, әй тетиг, на керак.

130 Комил бўлса әлчи, ёзув — не учун?
У бўлса синашта, билув — не учун?
Саволлар бер унга ва тингла сўзин,
Яна хат талабин қилув — не учун?

* * *

* * *

131 Тенгиндав кечурма қамуғ ишни сан,
Тангиндан кечурса яна қачға сан,
Қамуғ нангқа янғизғ тенги ул янги,
Қамуғ нанг янги бирла бўлди әсан.

131 Тенгини топиб бер ишингни ҳар он,
Тенгин топмаган иш битибдир қачон?
Муносиб ҳама нарсанинг ўз тенги,
Жами нарса ўз тенгиладир әсон.

* * *

- 132 Раиятқа важиб беги яралиги,
Ағир гутса эштиб кичиг улуғи.
Ағирлағу беглар ўзин ҳам сўзин,
Керак ҳинду бўлсун — кумуш юлуғи.

* * *

- 133 Киши кўнгли тутчи тилар эдгуни,
Авитур тилак булғуқа ўзини.
Қали булса арзу, тилакин тугал,
Кўнгул кўтрур андин, кесар сўзини.

* * *

- 134 Аман берди эрка салам қилғучи,
Саламат булунди алик алғучи.
Салам ул саламат киши шарринга,
Саламатлиқ алди янут қилғучи.

112

* * *

- 132 Раъиятга вожиб — беги буйруғи,
Қадрлаши шартдир кичик-улуғи,
Қадрлашлари шарт ўзин ҳам сўзин,
Агарчи қул эрса унинг уруғи.

* * *

- 133 Киши кўнгли доим тилар эдгуни,
Овитар тилаклар билан ўзини,
Агар топса орзу-тилагин тугал,
Бўлиб кўнгли шодон, кесар сўзини.

* * *

- 134 Амон берди эрга салом қилғучи,
Саломатлик олди алик олғучи,
Салом — бу омонлик киши шаррига,
Саломатлик олди жавоб бергучи.

113

—519

* * *

- 135 Сўзи чин керак бег, қийиқсиз, кўни.
Сўзиндан явиғлиғ, тема эр ани
Тилин сўзламиш сўзда янмас эран.
Сўзиндан яниғли ишарлар эши.

* * *

- 136 Киши теб юриғли телим бар сани,
Кишика тўсулғу тиласа қани,
Қилур бир киши минг кишининг ишин,
Угуш минг юмитса қилумас ани.

* * *

- 137 Язуқлуғ, жафолиғ қулунгман, ўтун,
Бақа кўрса барча язуқ ма бутун.
Санингдан адин йўқ сиғингу идим,
Язуқум бағишла, йўлагил қутун.

114

* * *

- 135 Сўзи чин бўлиши керак бег киши,
Бериб ваъда тонмоқ — эмас эр иши.
Киши марди тонмас деган сўзидан,
Сўзидан тонувчи — заифлар эши.

* * *

- 136 Кишиман деганлар жуда кўп сони,
Яроғлиси борми? Менга айт, қани?
Қилар бир киши минг кишининг ишин,
Талай минг йиғилса қилолмас уни.

* * *

- 137 Гуноҳкор, жафоли, қулингман тубан,
Боқиб кўрсанг айбим эрур юз туман.
Сенингдан йўқ ўзга сиғинувчи раб,
Гуноҳимдан ўт, қут бағишла ҳар он.

115

* * *

- 138 Атанг ўлди эрса қали на ўдун,
Санга айидуқи ўғул, кўр, удун.
Ўлум тутти, бардим, келир уш санг
Қатиглан, кедин эдгу атинг кўдун.

* * *

- 139 Муни сан айурсан манинг теб, манив
Некука айурсан, искутег санинг.
Санингдан басақи санга чиқ теюр,
Анунди, кўдаз уш манинг тер манив

* * *

- 140 Хазинам ўгуш теб қуванма нангин,
Ҳашам, су телим теб кўтурма эгин.
Кучинга қуваниб кўкуз кергучи,
Юритумади бир чибунқа алин.

116

* * *

- 138 Отанг ўлгач, умри бўлиб, кўр, тамом,
Сенга айтган эрди васият калом;
Ўлим тутди, кетдим, келар у сенга,
Урин, қолдир ўздан кейин яхши ном.

* * *

- 139 Буни сен атарсенки, бу меники,
Нимай-чун атарсен, нечун сеники?
Сўнгингдан келувчи сенга чиқ дегай,
Сўнгидан келувчи дер: у меники.

* * *

- 140 Хазинам талай деб ҳаво қилмагин,
Ҳашам, лашкаринг бирла гердаймагин.
Кучига ишониб кибранган эр
Сиёсатига ҳатто учмас чивин.

117

* * *

- 141 Баят берса иззин йўқ ул ғаяти,
Угуш раҳмат ичра ўзунг раҳати.
Қали ўз кураса, ужузлуқ ануқ,
Ужузлуқ қиниқа киминг тақати.

* * *

- 142 Қамуғ ғафлат ул бу севинчин тараб,
Бу ғафлат била ўз юқадур, ажаб,
Ўсанма, удитмасу ғафлат уси,
Бу ғафлат усиндин қўдазгил, я раб.

* * *

- 143 Ая бег, қатиглан бу тақат тенги,
Тўру қил будунқа, тегургил ўнги.
Қали тушса тақсир яна узри қул,
Тилин тегмада тавба қилгил янги.

118

* * *

- 141 Худо раҳматин йўқ эрур ғояти.
Талай раҳмат ичра — киши роҳати.
Қаҳр қилса кимга — азоби аниқ,
Азобига кимнинг бўлар тоқати?

* * *

- 142 Тамом ғафлат эрур бу ишрат-тараб,
Тану жон бу ғафлатга мойил, ажаб.
Тетик бўл, бу ғафлат хоби элтамсин,
Узинг асра ғафлат хобидан, ё раб.

* * *

- 143 Тетик бўлгин, эй бег ва қилгин тоқат,
Адолатли бўл, халққа қил марҳамат,
Хато тушса дарҳол сўра узрини,
Тилингдан бу тавбани қўйма фақат.

119

* * *

- 144 Бу беглик била сан кўтурма эгин,
Кўкуз керма артуқ, ўзунгни сақин.
Яринди ажунни сурундика қўд,
Баят берга анда ту неъмат янги.

* * *

- 145 Бу бегка вазир ул тутуб етгучи,
Эли, қапғи, ати бу ул этгучи,
Қали тетру ятса бурундуқ вазир,
Қамуғ тетру бўлди, ўзум айғучи.

* * *

- 146 Қут ул бег будунқа, қутадгу керак,
Қутадса будун қарни гўдгу керак.
Бу беглар тенгиз ул туби йунжулуг,
Тенгизка яғугли баюгу керак.

120

* * *

- 144 Ўзинг беглигинг бирла гердаймагин,
Ўзингни унутма, кибр қилмагин,
Бу дунёни қўй сен, у дунёга боқ,
Худо неъматин сен у ерда егин.

* * *

- 145 Вазирдир бегини тутуб юргучи,
Элу юрт, саройни у — гуллатгучи,
Вазир тутса эгри жиловни агар,
Бузулгай ҳама иш, кетар юрт кучи.

* * *

- 146 Беги халқига бахт бериши керак,
Бериб бахт яна тўйдириши керак.
Бу беглар денгиз бир — теги инжулик,
Денгизга яқинлар бойиши керак.

121

* * *

- 147 Насиҳат кишика қилур ул тесу,
Насиҳат тегука тиласа тесу.
Қали бу тегуни ею билмаса,
Қатилма, қўду бер, куяр ўт есу

* * *

- 148 Ҳлумуг унутма, кўзунг, бурнунг у
Ўзунгни унутма, суви юзнунг ул.
Манидан тўрумиш ўзунг «ман» тема.
Ўзунг «ман» теса, ай; уну, ўрнунг у

* * *

- 149 Ҳазина, эрат бўлди беглар кучи,
Бу экки била эр алир ўз ўчи.
Бу экки била бег бедуглук булур,
Бу экки юмитса, бедур бег тажи.

122

* * *

- 147 Насиҳат қилувчи киши ўз сўзин.
Насиҳатни олган кишига десин.
Агар ким гапингни писанд қилмаса,
Аралашма, майли, куйиб ўртасин.

* * *

- 148 Ҳлимни унутма, кўзинг, бурнинг у,
Ўзингни унутма. ўз обрўйинг у.
Манийдан эрурсен, ва «манман»
дема,
Деса нафс агар «ман», сен айт;
ўрнинг у.

* * *

- 149 Ҳазина ва лашкар — бу беглар кучи,
Булар бирла олгай киши ўз ўчи,
Булар бирла беглар буюклик топар.
Булар бўлса гар жамъ—буюк бег тожи.

123

* * *

- 150 Эт, ўз туз тиласа ҳава бўйни си,
Ҳава ўлса кўнлуру эт ўз эгриси.
Қатиглан, ҳавақа бўлун бўлмағил,
Ҳава, нафс экигу — бу дин ўғриси.

* * *

- 151 Эсизка қатилма, юриғил кўни,
Кўни эгри бирла кўнитар куни.
Ким эсиз қилинса йўлинда юдуғ,
Кўника кўни йўл кўнилиқ куни.

* * *

- 152 Қаю эл беги бўлса эдгу, кўни,
Баюди ул эл будни, туғди куни.
Будун байлиқи бегка байлиқ турур,
Тиласа муни тут, тиласа ани.

124

* * *

- 150 Ҳавас-нафс тану жон ёви, тўғриси,
Ҳавас ўлса, соф тан ва жон эгриси.
Тетик бўл, ҳавас-нафс қули бўлмагин,
Ҳавас-нафс диёнат, имон ўғриси.

* * *

- 151 Бўлиб тўғри, эрига сен чўзма қўл,
Бор эгри ва тўғри учун турли йўл,
Ки эгри йўлидир машаққат, маҳол,
Очиқ тўғрилар-чун адолатга йўл.

* * *

- 152 Беги касб этар бўлса гар эзгуни,
Унинг халқи бойир, туғар бахт куни,
Эли бўлса гар бой — бу бег бойлиги,
Тиласанг бунни қил, тиласанг уни.

125

* * *

- 153 Кўнилик учун кўк адоқин турур,
Яйилмас учун ерда ўт, ем унур.
Яйилма, кўни тур, кўнгул тут кўни,
Кўни өкки ажун кўнилик булур.

* * *

- 154 Атим эдгу бўлсун, ўзум ўлсуни,
Тириг қалгу ахир, атим қалсуни.
Ўса, эдгулук қил, ат эдгу тила,
Ўзунг мангу атин тириг бўлсуни.

* * *

- 155 Неку иш қилурунг кишига кенгаш,
Кенгашмас кишини адаш тутма, эш,
Қаю ишка эрса кенгаш ўтру қил,
Тиламиш тилакка кенгашин тенгаш.

126

* * *

- 153 Адолат учун ҳар оёққа турар,
Қарорли учун ерда ўт, ем унар.
Бўлиб сен қарорли, кўнгил тўғри гут,
Ики дунёда тўғрилиқ қўл келар.

* * *

- 154 Ўзим ўлсам, эзгу отим қолса бас,
Қолиб мангу отим, тирик бўлса бас.
Фақат яхшилик қил, тила яхши ном,
Номинг мангулик-ла яшаб юрса бас.

* * *

- 155 Не иш қилмагин сен, кишига кенгаш,
Кенгашсиз кишини тутма эш ё адаш.
Кенгашгин ҳар ишни қилишдан бурун,
Мурод бергай ишда кенгашлар сўраш.

127

* * *

- 156 Бу кечмиш тиригликка ўкнур ўзум,
Неча эрки қалмиш кунум, ай юзум.
Ява барди эсиз йигитлик кунн,
Ява бармасу бу келигли тунум.

* * *

- 157 Кишилар ара ул киши ул бўлур,
Анингдин кишилар асиғлар булур.
Асиғсиз кишилар кишида қўри,
Асиғлиғ киши асғи элка тўлур.

* * *

- 158 Эсизка қатилма, тўру урма сан,
Эсиз қилғучиқа бўлу берма сан.
Узунг эдгулук қил, тўру эдгу ур,
Тирил эрки ажун, эсиз кўрма сан.

128

* * *

- 156 Умр ўтди-кетди, талай армоним,
Яна қанча эркан бу қолган куним,
Беҳудага ўтди йигитлик. эсиз,
Бекор кетмасин келгуси кун-туним.

* * *

- 157 Кишилар аро энг асл шу эрур,
Ки ундан одамлар талай нафъ кўрур.
Нафъи йўқ киши элга кони зарар,
Ва нафъли киши нафъила эл тўлур.

* * *

- 158 Емонга қўшилма, қонун урма сан,
Емонлик қилувчига бўй берма сан.
Бўлиб одил, эзгу сиёсат юрит,
Яша икки дунёда шарр кўрма сан.

129

—519

* * *

- 159 Кўни сўз ачиг ул, сингургил ани,
Ярин асғи келгай, сучитгай сани.
Кўни сўз кўнгулка, кўр, ачиг, ириг,
Ириг сўз кўни ул, кўни сўз қани.

* * *

- 160 Киминг сан ашин еса, қилғил ишин,
Бағирсақлиқ арттур, ҳалал е ашин.
Туз, этмак ҳақини кўдазиб эран,
Етурмиш кишика юлуғлар башин.

* * *

- 161 Киши аслинга, кўр, қилинчи тануқ,
Қилинчи на әрса, кўр, асли улуқ.
Киминг асли әдгу, қилинчи ўнгай,
Әсиз аслинга кенду қилқи гануқ.

130

* * *

- 159 Эрур сўз чини талх, ҳазм қил уни,
Кейин нафъи келгай, сучитгай сани.
Кўнгулга эрур талх бу сўзнинг чини,
Шу талх сўз эрур чин—шу чин сўз
қани?

* * *

- 160 Агар кимнинг ошин есанг, қил ишин,
Садоқатни орттир, ҳалол е ошин,
Тузу нон ҳақин оқлагувчи киши,
Едирган кишига әтар бахш бошин.

* * *

- 161 Киши аслига хулқи шоҳид эрур,
Нечук бўлса хулқи—туб асли шудур.
Асл бўлса ким гар эрур хулқи хуш,
Ёмондан нишона унинг хулқидур.

131

* * *

- 162 Эт, ўз семир эрса, йилан, қурт ануқ,
Ўзунг севнур эрса, кечигли қўнуқ.
Тушунгтег кечар бу тириглик, барир,
Тириглик кечарка кечар кун тануқ.

* * *

- 163 Киши эдгуси ким, кишилар баши,
Кишилик қилғи кишика туши,
Кишика янут қил кишилик туши,
Янутлағ учун ат урунди киши.

* * *

- 164 Язуққа кафарат иг ул, кўр, санга,
Язуқсуз киши ким, аю бер манга.
Киши игласа, барча тўклур язуқ,
Язуқ тўкса, қутлаур киши, эй тўнга.

132

* * *

- 162 Тану жон семирса илон, қурт еяр,
Севинч бир қўноқдир, у қолмас кўчар.
Тушингдек ўтар бу тириклик, кетар,
Ўтар кунлар — ўтган умрдан хабар.

* * *

- 163 Киши яхсиси ким, киши раҳбари,
Кишилик қилувчи—бу халқ сарваря.
Кишига жавоб қил кишилик билан,
Шунга боғлидир яхши номлар бари.

* * *

- 164 Гуноҳга кафорат—касааллик сенга,
Гуноҳсиз киши ким? Бер айтиб менга!
Касал бўлса инсон, тўкилгай гуноҳ,
Гуноҳи тўкилса, хатар йўқ унга.

133

* * *

- 165 Йўругка барир туш. тушунг яқши йўр.
Туби, асли билгил, уқуш бирла кўр.
Натег йўрса тушни. анингтег бўлур,
Явуз йўрма тушни. санга қилға кўр.

* * *

- 166 Бу туш кўрса, йўрма билу. билмаю.
Натег йўрса тушни бўлур анлаю.
Сақинч кўрса тушта, янути—севинч,
Севинч кўрса қадғу булур йиғлаю.

* * *

- 167 Шату тушта изз ул ағари янги,
Бирор пағна саю ағирлиқ ўнги.
Неча ағса, анча ағирлиқ булур.
Ажун мали. қут, қив булур ўз ўнги.

134

* * *

- 165 Йўйишга борар туш, тушинг яхши йўр,
Туби, аслини бил, зеҳн бирла кўр.
Нечук йўйса тушни, у шундай бўлур,
Ёмон йўйма, ёзма пешонангга шўр.

* * *

- 166 Кўриб тушни, йўйма билиб-билмайин,
Нечук йўйса тушни, бўлар шундайин,
Алам кўрса тушда жавоби севинч,
Севинч кўрса, қайғу бўлар анчайин.

* * *

- 167 Шоти кўрса тушда, киши улғаяр,
Поғона босиб у юқори чиқар,
Неча чиқса, шунча улғу мансаби,
Жаҳон молию бахт унга эргашар.

135

* * *

* * *

168 Идишлиғ сувуғ тушта ичса ярим,
Тугади тириглик ярими ярим.
Қали ичса сувни тугату тугал,
Тугади тириглик қазилди қарим.

168 Идиш сувин ичса ярим тушта гар,
Киши умрининг қоқ ярими тугар.
Агар ичса сувни тугатиб тугал,
Тириклик тугар, пайт келар гўр қазар.

* * *

* * *

169 Усанма қатирған, юкунгни енит,
Йўлунг қилда йинчка, ўзунгни кўнит.
Бу кун ятма эмгаб, ишингни этин,
Кечар эмгакинг сан кўчарда унит.

169 Гофил бўлма, соқ бўл, енгил қил
юкинг,
Йўлинг қилча нозик, ҳозирлан ўзинг.
Бу кун тийма эмгаб, ишингни битир,
Кечар чоғда ёддан чиқар эмгакинг.

* * *

* * *

170 Тилак, арзу сурмак ади кад татиг,
Татиг айтиғи бар яринлиқ қатиг.
Татигка татигсиз сучугка ачиг,
Ағишқа иниш ул, адизка—батиг.

170 Тилак-орзу қилоқ жуда тотли иш.
Ҳаловат сўнгидан сўроқ бор эмиш.
Лазиздан сўнг аччиғ — шакарга заҳар,
Қабариг, ботиғ бор, чиқиш ҳам тушиш.

* * *

171 Тилак, арзу неъмат тугал еса сан,
Тириглик сувин сан булуб ичса сан,
Сунуб тутса алкинг агар кўк кури,
Башинг кўкка тегса, яна ерда сан.

* * *

172 Улурман ўкунчун, ақар кўз йулум,
Татиглар татигсиз қилур бу ўлум.
Ўлумдан баса, кўр, эки йўл, кўдаз,
Экида қаю эрки барғу йўлум.

* * *

173 Қамуғда қатиграқ ўлум ул фирақ,
Фирақин тўкар яш кўругли қарақ.
Тиригла фираққа висал бор уминч,
Ўлугли висолдин сезигсиз йирақ.

138

* * *

171 Тилак-орзу, неъматга етганда ҳам,
Тоғиб оби раҳматни ичганда ҳам,
Суниб қўлни тутганда ҳам кўк юзин,
Ўзинг ерда, бош кўкка текканда ҳам.

* * *

172 Уқинч-ла ўларман, ёшим лиммо-лим,
Ҳаловатни бузгай бу аччиқ ўлим,
Ўлимдан кейин бор менга икки йўл,
Бу иккисидан қайси эркан йўлим?

* * *

173 Ҳамадан қатигроқ ўлимдир фироқ,
Фироқ-ла тўкар ёш кўрувчи қароқ.
Тирик айрилиққа висол бор умид,
Лек ўлган висолдан, шаки йўқ, йироқ.

139

* * *

- 174 Ҳарам бирла кўнглум қара бўлди, кир,
Билиг ишка тутмас ўзум юзда бир.
Эт, ўз эглу бермаз, ҳава бўлнади,
Тапуғқа тегумаз ўзум, ачти сир.

* * *

- 175 Қани бир кўнилик қилиғли, қани,
Қани тенгрилиг эш юриғли, қани.
Ажун барча бутру тугал артади,
Кўруб тангладачи қани бир муни.

* * *

- 176 Ажун бўлди ахир, тўру артади.
Эсизлариг эдгу кўру артади.
Уқушлуғ уқар ул, билиғлиг билир.
Йил, ай, кун кунунга бару артади.

140

* * *

- 174 Ҳаром бирла кўнглим қаро бўлди, кир,
Илмга амал қилмадим юзда бир.
Тану жон эғилмас, ҳавас қилди қул,
Тоатга етолмам, очай энди сир.

* * *

- 175 Қани тўғрилиқни қилувчи, қани.
Қани, тангрилик дўст бўлувчи қани.
Йаҳон барча бирдек тугал айниди,
Бу ҳолни кўриб танг қолувчи қани.

* * *

- 176 Замон бўлди охир, низом айниди,
Кўриб бадни яхши авом айниди.
Укувли уқар ҳам билимли билар,
Йил, ой, кун кун ўтиб тамом айниди.

141

БАҲОР ТАВСИФИ

Муаллиф ўз асарининг Буғраҳон мадҳига бағишланган қасида қисмида баҳор нафаси зерикарли қишни суриши, қуёшнинг ҳут буржидан ҳамалга кўчиши, кофур кетиб, мушк оламни қоплаши, яланг дов-дарахтлар ол, сариғ, кўк, қизил, яшилга бурканиши, турли паррандалар ўзларига хос овоз билан сайраши, дала-даштларнинг кўрк касб этиши, жонивор ва ҳайвонларнинг маст бўлиб ўйноқилашиши, булут гулдураши, чақмоқ чақнаши, чечаклар очилиши, табиатнинг жонланиши, оламнинг яшнаши ва бошқаларни зўр маҳорат билан куйлайди ва табиатнинг бу жонланиши ҳамда яшнашини турк халқининг тақдирига кўчиради.

Куйида асарнинг баҳорни таъриф этган қисмини ҳозирги адабий тилимизга шеърий шарҳ

қилинган ҳолда келтирамиз, токи ўқувчи баҳор фаслини биринчи бор куйловчи асар муаллифининг маҳоратидан хабардор бўлсин. Шунинг ҳам айтиш керакки, шарҳда ҳам байтларнинг оригинал хусусиятига тўла риоя қилинди, вазн сақланди, қофияларни ҳам иложи борича акс эттиришга эришилди.

• • •

Туғардин эса келди ўнгдун ели*,
Ажун өтгука ачти уштмақ йўли.

Яғиз ер йипар тўлди кафур кетиб,
Безанмақ тилар дуня кўркин этиб,

Эринчиг қишиг сурди язқи эсин,
Яруқ яз яна қурди давлат ясин.

Яшиқ янди, бўлғай яна ўрнига,
Балиқ қудруқиндин қўзи бурнига.

Қуримиш йиғачлар тўнанди яшил,
Безанди япун ал, сариг, кўк, қизил.

Бү шеърда исл нусха билан таржима аралаш келади
(реда.).

Яғиз ер яшил турқу юзка бади,
Хитай арқиши ядти Тавғач иди.

Язи, тағ, яр, ўпри тўшанди ядиб,
Этинди қўли, қаши кўк, ал кедиб.

Туман ту чечаклар язилди кула,
Йипар тўлди, қафур ажун йид била.

Саба яли қўпти қаранфил йидин,
Ажун барча бутру йипар бурди кин.

* * *

Эсиб келди шарқдан баҳорнинг ели,
Очилди жаҳоноро фирдавс йўли.

Ипор тўлди бўз ерга, кофур кетиб,
Безанмоқчи дунё чирой касб этиб.

Совуқ қишни сурди баҳорги эсин,
Мусаффо баҳор қурди давлат ёсин.

Қуёш қайтди, келгай яна ўрнига,
Балиқ қуйруғидан қўзи бурнига.

Ялангоч дарахтлар ёпинди яшил,
Безанди кийиб ол, сариқ, кўк, қизил.

Яшил шоҳи бўз ер юзин қоплади,
Хитой карвонин ёйди Тавғоч иди.

Водий, тоғ, адир, жар сепини ёйиб,
Ясанди қўли, қоши кўк, ол кийиб.

Туман хил чечаклар очилди кула,
Жаҳон тўлди кофур, ипор ҳид била.

Сабо елида пуркар ис чинни гул,
Оламни муаттар қилар мушк нуқул.

Қаз, ўрдак, қуғу, қил қалиқинг туди,
Қақилаю қайнар юқару, қуди.

Кўкис турна кўкда унун янғқулар,
Тизилиш тетиртег учар, елгурар.

Улар қуш унун тузди, ундар эшин,
Силиг қиз ўқиртег кўнгул бермишин.

Унун утти каклик, кулар қатгура,
Қизил ағзи қантег, қаши қапқара.

Қара чумғуқ утти сута тумшуқи,
Уни ўглағу қиз унитег тақи.

Чечакликда санвач утар минг унун,
Уқир сури ибри тунун ҳам кунун.

Илик, кулмиз ўйнар чечаклар уза,
Сигун, муйғақ ўйнар, юрир таб кеза.

Қалиқ қаши тугди, кўзи яш сачар,
Чечак язди юз, кўр, кулар қатғурар.

Илату манга, ачти дуня сўзин,
Аюр: кўрмадингму бу хақан юзин?

Ғоз, ўрдак, қил, оқ қуш ҳавони қучиб,
Қағиллар юқори, қуйига учиб.

Кўкиш турна кўкда оҳанглар қилар,
Тизилган туядек учар, елгурар.

Уларқуш оҳанг тузди, ундар эшин,
Гўзал қиз чақирган каби севмишин.

Тузиб нағма каклик, кулар «қаҳ» ура,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.

Қаро қарға «қағ»лар кериб тумшуғин,
Уни йиғлоқи қиз унидек тағин.

Чечакворда булбул сөз айлар куйин,
Туну кун чалар хушовоз сурнайин.

Элик, кулмиз ўйнар чечаклар уза,
Сигун, муйғоқ ўйнар, юрар зап кеза.

Қовоқ осди осмон, кўзи ёш сочар,
Кулиб гул хохолаб, юзини очар.

Койиниб менга очди дунё сўзин,
Деде: кўрмадингми бу хоқон юзин?

Удир эрдинг эрса, тур, оч амди кўз,
Эшитмадинг эрса, эшит менда сўз:

Туман йилда бару тул эрдим тулас,
Бу тул тўни сучлуб ўрунг кедтим ас.

Безандим, бегим бўлди хақан улуғ,
Ўтундум, муну. қулса жанним юлуғ.

Булит кўкради, урди навбат туғи,
Яшин яшнади, тартти хақан тиғи.

Бири қинда чиқди, сунуб эл тутар,
Бири куси, жави ажунқа етар...

Эсанг уйқуда гар, тур, оч энди кўз,
Хабаринг йўқ эрса, эшит энди сўз.

Талай йиллар ўтди, тул эрдим, бироқ,
Ечиб тул кийимин, либос кийдим оқ.

Безандим, улуғвор бегим бўлди хон,
Фидо бўлсин, истар эса ушбу жон.

Булул гулдураб, урди навбат туғин,
Яшин чақнади, тортди хоқон тигин.

Бири чиқди қиндан, у эллар тутар,
Бирининг овози жаҳонга етар...

...Ажун тинди ўрнаб бу хақан уза,
Анин идти дуня тангуқлар туза.

Асирдин келигли қалиқ қушлари,
Қаю, райи ҳинди, қаю қайсар.

Ўгар атин ундаб, унин йўртушуб,
Куванч бирла авнур, севунчка тушуб.

Бу турлуғ чечак ерда мунча бадиз,
Язи, тағ, ер, ўпри яшил, кўк менгиз.

Қаюси йиди бирла яйнур тапуғ,
Қаю кўрк менгиз бирла ачти қапуғ.

Қаюси алиғ сунди, тутшук тутар,
Қаю пуфкарар кин, ажун йид қўпар.

Қаюси туғардин тутар минг тангуқ,
Қаюси батардин тапуғчи ануқ.

Тапуғқа келиб қут қапуғда турур,
Қапуғда туруғли тапуғда турур.

Бу янглиғ тапуғқа әтинди ажун,
Яғи бүйини әгди, кўтурди ўзун.

Ажунда жави барди хақан қуси,
Кўрумағли кўзларда кетти уси.

...Жаҳон тинди ўрнаб бу хоқон уза,
Олам туҳфалар қилди юз кўргиза.

Асирдан келишган ҳаво қушлари,
Бири ҳинди рожи, бири қайсари.

Отин мадҳ әтарлар, уни куйлашиб,
Қувонч-ла овуниб, севинчга тушиб.

Талай, турли гулларга ғарқ ер ўзи,
Водий, тоғ, адир, жар — яшил, кўк юзи.

Бири ҳиди бир-ла қилар хизматин,
Бири кўрк, чирой-ла тутар ҳурматин.

Бири кўксида қўл, тавозеъ тутар,
Бири дунёга мушк ҳидин уфурар.

Бири кун чиқардан тутар туҳфасин,
Бири кун ботардан қилар хизматин.

Юмушга келиб бахт, эшикда турар,
Эшикдагилар хизмат айлаб юрар.

Бу янглиғ юмушга тутинди жаҳон,
Ёви бүйини әгди ва топди амон.

Жаҳонга ёйнади хон овозаси,
Ва кетди кўролмас кўзин уйқуси.

Ажун инчка тегди, тузулди тўру,
Тўру бирла атин қўпурди ўру.

Ақий суратин ким кўрайин теса,
Келиб кўрсу хақан юзини уса.

Жафасиз, вафалиғ тиласа қутун,
Юзи кўр, қилинчи вафаул қутун.

Асиғ қулса барча ўзунг яссизин,
Бару кел, тапуғ қил, кўнгул бер, исин.

Тузун, қилқи алчақ, бағирсақ кўнгул,
Кўрайин теса кел, муни кўр амул.

Эй эдгу қилинч, асли эдгу уруғ,
Ажун қалмасуни сизингсиз қуруғ.

Баят берди давлат э туркан қути,
Анинг шукри қилғу ўқиб минг ати.

Эди кечги сўз ул масалда келир,
Ата ўрни, ати ўғулқа қалир.

Талу нанг тангуқ тутти минг-минг алиг,
Муну қил тангуқи Кутадғу билиг.

Уларнинг тангуқи келир ҳам барир,
Манинг бу тангуқ бўлди мангу қалир.

Олам топди ором, тузилди адл,
Адл-ла отини кўтарди дадил.

Сахий суратин ким кўрайин деса,
Келиб хон юзига қарасин роса.

Жафосиз, вафоли тиласанг ўзин,
Феъли-бахт, вафодир, келиб кўр юзин.

Агар кўрмоқ эрсанг унинг фойдасин,
Бери кел, юмуш қил, кўнгил бер, исин.

У—хушфеъл, мулойим ва мушфиқ кўнгил,
Кўрайин десанг, кўр, ёзиб баҳри дил.

Эй эзгу қилиқ, асли эзгу уруғ,
Жаҳон қолмасин ҳеч сенингсиз қуруғ.

Худо берди давлат, э турклар қути,
Шукрга сазовор унинг минг оти.

Жуда кўҳна сўз бор, масалда келар,
Ота ўрни, оти ўғилга қолар.

Талай ҳадялар қилди минг-минг элиг,
Менинг ҳадям ушбу «Кутадғу билиг».

Улар ҳадялари келур ҳам кетур,
Менинг ҳадям ўлмас, у мангу қолур.

Неча терса дуня тугар, алқинур,
Битиса қалур сўз, ажун тезгинур.

Китабка битинди бу хақан ати,
Бу ат мангу қалди, э туркан қути.

Я раб, уста давлат, тугал қил тилак,
Қамуғ ишта бўлғил сан арқа йўлак.

Севарин эсан тут, яғисин қўтур,
Севунчин бўлу тут, сақинчин қўпур.

Яға турсу яғмур, язилсу чечак,
Қуримиш йиғачдин салинсу кўрак.

Бўлу берсу эвран тучи эврилу,
Қути булсу, душман баши қаврулу.

Яғиз ер бақир бўлмағинча қизил,
Я ўт, я чечак унмагинча яшил,

Тирилсуни туркан қути минг қутун,
Телинсуни кўрмаз карақи ўтун.

Тақи ма неку эрса арзу, тилак,
Баят-ўқ бўлу берсу арқа йўлак.

Севинчин, авинчин, куванчин эли.
Ашасу, яшасуни луқман йили.

Молу дунё йиғсанг, тугар, олқинур,
Езилса қолур сўз, жаҳонни кезур.

Китобга ёзилди бу хоқон оти,
Бу от мангу қолгай, э турклар қути.

**Е раб, давлат орттир, тугал қил тилак,
Дамин ишта кўрсат сен эрга кўмак.**

Севарин эсон тут, ёвини қўпар,
Семинчин узун қил, аламин кўтар.

Ёғин ёға турсин, очилсин чечак,
Яланг дов-дарахтлар чиқарсин кўрак.

* Буседа кўрак куртак маъносиде ишлатилган.

Фалак тура берсин доим эврилиб,
Еви бўйнини эгсин, боши қайрилиб.

Туроб мис қаби бўлганидай қизил,
Улан-ўт, чечак унганидай яшил,

Яшасин бу турклар қути қут билан,
Кўролмас кўзи ўртасин ўт билан.

Яна қанча кўп бўлса орау-тилак,
Улуғ тангри берсин ҳамиша кўмак.

Севинч-ла, овинч-ла, қувонч-ла эли,
Ошасин, яшасин у луқмон йили.

На узбекском языке

Юсуф Хос Хожиб

КУТАДГУ-БИЛИГ
ЗНАНИЯ, ПРИНОСЯЩИЕ СЧАСТЬЕ

Редактор *Р. Комилов*

Рассом *Н. Ҳолиқов*

Расмлар редактори *Э. Валиев*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Н. Қобилов*

Босмахонага берилди 20/V.1968 йил. Босишга рухсат этилди
4/II-1969 й. Формати 84×108¹/₁₆. Босма л. 2,5. Шартан бос-
ма л. 4,18. Нашр. л. 2,84. Тиражи 25000. Гафур Гулом номи-
даги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30,
Шартнома 109--66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат коми-
тетининг Полиграфкомбинатида тайёрланган матрицалан
Самарқанддаги Морозов номи босмахонада маш/меловани
қорозга босилди. Самарқанд, Типография кўчаси, 4. 1971 йил.
Заказ № 2370. Баҳоси 9 т.